

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

1/2021

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Хуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджсан КАМИЛОВ
Робахон МАҲМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ

⑤ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллэзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 0026-рақам билан рўйхатта олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош мухаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИКОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-й
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 2 февралда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьтерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –2.
Нашр адади 4600 нусха.

Навбатчи мухаррир
Муталиф СОДИКОВ

НАШР ИНДЕКСИ – 909

Сотувда келишилган нархда

«HAKIMA NASHR GROUP» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 057,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
Ифтихор кўчаси, 117-йй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича судлар ролини ошириш тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори.....6

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги қарори.....11

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....15

МУНОСАБАТ

Т. Сафаров. Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлиги.....25

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Ш. Назаров. Одил судлов учун халқаро рейтинг ва индексларнинг аҳамияти.....31

ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕСС ВА ЖАРАЁН

Қ. Авезов, Ш. Фофуров. Иқтисодий процессда адвокат учун ишончнома зарур(ми)?.....35

БАНКРОТЛИК ВА САНАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Қ. Хожамуратов. Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнида муддатлар.....40

ДОЛЗАРБ МАВЗУ (COVID-19)

Д. Суюнова, Н. Акбаров. Карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.....43

МУАММО ВА ТАКЛИФ

З. Исматуллаев. Оила бошлиги ким?.....46

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....80



ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА УЛАР СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ БҮЙИЧА СУДЛАР РОЛИНИ ОШИРИШ ТҮҒРИСИДА

2020 ийл 19 декабрь

34-сонли

Тошкент шаҳри

Суд амалиётида масалалар келиб чиқа-
ётганлиги муносабати билан ва судлар то-
монидан жиноятларнинг олдини олиш чо-
раларига оид жиноят-процессуал қонуни
нормаларининг түғри кўлланилишини таъ-
минлаш мақсадида, «Судлар түғрисида»ги
Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекис-
тон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратил-
синки, Ўзбекистон Республикаси Жино-
ят-процессуал кодексининг 296-моддасига
мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор
ва суд жиноят иши бўйича иш юритишда жи-
ноят сабабларини ва улар содир этилишига
имкон берган шарт-шароитларни аниқлашла-
ри шарт бўлиб, бу жиноятчилик ва бошқа
хукуқбузарликларнинг олдини олишга қа-
ратилган фаолият самарадорлигини жиддий
тарзда ошириш воситаси хисобланади.

2. Жиноят ишини судда кўриш учун та-
йинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида, суд-
лар суриштирув ёки дастлабки тергов органи
томонидан процессуал қонун талаблари, шу
жумладан, жиноят сабаблари ва улар содир
етилишига имкон берган шарт-шароитларни
аниқлашга доир талаблари бажарилган-бажа-
рилмаганлигини синчковлик билан текшириш-
лари зарур. Қонуннинг бу талаби бажарилма-
ган бўлса, суд бундай ҳолатлар аниқланишини
таъминловчи чоралар кўриши шарт.

3. Қонунга кўра, суд жиноят содир эти-
лишига имкон берган ҳолатларга тааллуқли
фактик маълумотларни хар томонлама, тўлиқ
ва холисона текшириб чиқишга мажбур. Шу

мақсадда, зарурат бўлганда, суд мажлисига
қўшимча гувоҳларни чақириш, бошқа да-
лилларни талаб қилиб олиш лозим. Ишлаб
чиқариш технологияси бузилганлиги, меҳа-
низмлар техник ҳолати ва х.к. билан боғлиқ
ҳолатларни аниқлаш учун суд мутахассислар
ёрдамидан фойдаланишга, зарурат туғил-
ганда, экспертиза ўтказишга ҳақли. Агар суд
муҳокамаси давомида қонун бузилганлиги
ёки мансабдор шахслар томонидан хизмат
вазифалари вижданан бажарилмаганлиги,
шунингдек фуқароларнинг ишлаб чиқа-
ришда ёки турмушда ноўрин хулқи-автори,
улар томонидан ижтимоий бурч бузилган-
лиги билан боғлиқ ҳолатлар аниқланса, суд
мазкур шахсларни суд мажлисида гувоҳ та-
риқасида сўроқ қилишга ҳақли.

4. Судларнинг эътибори шунга қаратил-
синки, жиноятчиликнинг олдини олишга қа-
ратилган фаолият самарадорлиги содир этил-
ган жиноят учун жавобгарлик мұқаррарлиги
принципига изчил риоя қилинишига боғлиқ.

Шуни инобатга олган ҳолда, жиноят иши-
ни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида
ва суд муҳокамаси давомида, судлар жино-
ятнинг барча иштирокчиларини аниқлаш ва
уларни жавобгарликка тортиш учун қонунда
назарда тутилган барча чораларни кўриш-
лари, кўрилаётган иш материаллари билан
содир этилган жиноятга алоқаси тасдиқлан-
ган шахсларга нисбатан асоссиз равишда
жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки ту-
гатиш фактларига нисбатан доим муносабат
билдиришлари лозим.

5. Судлар жиноятлар профилактикасига

оид фаолиятида суд процессида жамоатчилик иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар кўришлари зарур.

Тушунтирилсинки, суд муҳокамасида жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси иштирок этишига рухсат бериш тўғрисидаги масала жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоаси илтимосномасига кўра, судьянинг ажрими билан ҳал қилинади. Бунда жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси ваколатли орган томонидан юборилганлиги, унинг ваколатлари тегишли тартибда тасдиқланганлиги, муайян шахснинг суд муҳокамасида иштирок этишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (кўриб чиқилаётган ишда жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиши, иш натижасидан шахсан манфаатдорлиги ва х.к.) бор-йўклиги текширилиши керак.

Шуни назарда тутиш лозимки, жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси жамоат ташкилоти умумий йиғилиши ёки унинг сайланадиган органи томонидан, корхона, муассаса, ташкилот меҳнат жамоасининг ёки унинг ташкилий бўлинмаси (бирлашманинг ишлаб чиқариш бирлиги, цех ва х.к.) умумий йиғилиши томонидан кўрсатилиши мумкин. Жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси-ни корхона ёки муассаса маъмурияти илтимосномасига кўра, ишда иштирок этишига рухсат бериш қонунга асосланмаган.

Бир жамоат ташкилоти ёки меҳнат жамоасидан айнан бир судланувчига нисбатан жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ишни судда кўриш учун тайинлангандан сўнг ишда иштирок этишига рухсат этилган жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячисига, унинг илтимосига кўра, иш материаллари билан танишиш ва зарур маълумотларни ёзib олиш имконияти берилиши, суд мажлисининг тайёрлов қисмида эса, процессуал хукуклари тушунтирилиши лозим.

6. Судларнинг эътибори хукм, ажрим ва қарорлар матни пухта тузилиши зарурлигига қаратилсин, чунки ишонарли бўлмаган, асослантирилмаган, шошма-шошарлик билан тузилган суд хужжатлари суднинг обрўсини, у

қабул қилаётган қарорларнинг тарбиявий ва профилактик аҳамиятини пасайтиради.

Суд мажлисида раислик қилувчи суд муҳокамаси олиб борилиши, шу жумладан, жиноятни содир этишга имкон берган ҳолатлар баённомада тўлиқ ва холисона акс эттирилиши учун шахсан жавобгардир.

7. Судлар жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришга доир қонун талабини бажаришда иш бўйича аниқланган ва жиноят содир этилишига олиб келган муайян ҳолатларни хусусий ажримда кўрсатишлари лозим.

Хусусий ажримда (қарорда) аниқланган камчилик ва хатоликлар моҳияти баён этилади, шунингдек улар билан содир этилган жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик ўртасида-ги сабабий боғланиш кўрсатилади ва уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриш тавсия этилади.

Хусусий ажримни (қарорни) суд мажлисида эълон қилиш мақсадга мувофиқлиги масаласи суд томонидан ҳал қилинади, бироқ, барча холларда иш бўйича хусусий ажрим (қарор) чиқарилгани эълон қилинади ва бу хақда ёзув суд мажлиси баённомасига киритилади.

8. Хусусий ажрим (қарор) унинг устидан шикоят қилиш муддати ўтганидан сўнг қонуний кучга киради.

Апелляция (хусусий) шикояти ёки протести берилган холда, хусусий ажрим (қарор) иш юқори турувчи суд томонидан кўрилгандан сўнг, башарти у бекор қилинмаса, қонуний кучга киради.

9. Судлар хусусий ажримлар (қарорлар) ўз вақтида ижро этилиши, жиноят ёки бошқа хукуқбузарликлар содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар амалда бартараф этилиши устидан назоратни кучайтишлари лозим.

10. Судлар фуқароларнинг хукуқбузарликлар олдини олиш ёки уларни тўхтатишига, жиноятчиларни ушлашга қаратилган ҳаракатларини рағбатлантириш мақсадида, уларнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига хабарномалар юбориш, шунингдек оммавий

ахборот воситаларидан фойдаланиш амалиётини жорий этишлари лозим.

11. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга жиноят ишларини кўриб чиқишда иш бўйича жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинётган чоралар самарадорлигини тўлароқ текшириш, шу жумладан, қўйидагилар тавсия этилади:

суд муҳокамаларида, тегишли ташкилот ва жамоалар кузатувига топширилган судланганлар тузатилиши ва қайта тарбияла нишида жамоатчилик иштирокини назарда тутувчи қонунчиликни қўллаш амалиётини мунтазам умумлаштириб бориш, мазкур материаллардан жиноятларни олдини олишга оид тадбирларда ўз вақтида ва тўлақонли фойдаланиш;

ушбу масалада судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва уларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўймаслик мақсадида судьяларга аниқ ёрдам кўрсатиш;

суд процессининг тарбиявий-профилактик таъсири, иш фақат моддий ва процессуал қонун нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳал этилгандагина самара бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, сансалорлик, дастлабки ва суд тергови тўлиқ эмаслиги ва бир томонлама олиб борилганлиги фактларига қатъйроқ муносабат билдириш;

агар суриштирув, тергов органи, прокурор ёки суднинг ўзи томонидан аниқланган жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилмаган бўлса, ушбу бўшлиқ тўлдирилиб, унга хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириш.

12. Судлар ўта оғир жиноятлар, шу жумладан, терроризм, қасдан одам ўлдириш, коррупцияга оид, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилиш билан боғлиқ, шу жумладан, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишига имкон берган ҳолатларга, шунингдек суриштирув, дастлабки терговни амалга

оширишда йўл қўйилган қонун бузилишларига алоҳида эътибор беришлари керак.

Судлар жиноят ишларини кўришда аниқланган ҳар бир сансалорлик, хўжасизлик фактига, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва айрим мансабдор шахс фаолиятида йўл қўйилган бошқа ҳуқуқбузарликка нисбатан муносабат билдиришлари лозим.

13. Судлар қонуний кучга кирган ҳукмни, башарти суднинг фикрига кўра, бундай муҳокама тарбиявий-профилактик аҳамиятга эга бўлса, судланган шахснинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига юбориши лозим.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо белгиланган шахсга нисбатан ҳукм нусхасини унинг иш жойига юборар экан, суд меҳнат жамоаси эътиборини судланганинг ҳулқи устидан назорат қилиш ва у билан тарбиявий ишлар олиб бориш мажбуриятига қаратиши лозим.

Зарур ҳолларда ҳукм маълумот учун матбуот, радио, телевидение ёки унинг тарбиявий таъсири кенг бўлишини таъминловчи бошқа усусларда жамоатчилик эътиборига етказилиши лозим.

14. Хусусий ажримлар (қарорлар) сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида юқори турувчи судлар бундай ажримлар (қарорлар) чиқарилиши амалиётини ҳамда амалда бажарилиши натижаларини мунтазам равишда ўрганишлари ва умумлаштириб боришлари лозим.

15. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар сабабларини ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш тўғрисидаги қонун талаблари бажарилиши устидан назоратни кучайтишлари, хусусий ажримлар (қарорлар) сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар кўришлари лозим.

К. КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

И. АЛИМОВ,
Пленум котиби,
Олий суд судьяси

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ*

**СУДЛАР ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ
БҮЙИЧА ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТЛАШГА ОИД ҚОНУН
НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА**

2020 йил 19 декабрь

35-сонли

Тошкент шаҳри

Янги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан бўён матнда ФПК деб юритилади) амалга киритилиши муносабати билан, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича далилларга оид қонун нормалари судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 71-моддасига кўра, фуқаролик иши бўйича далиллар деганда, тарафлар ўз талаблари ва эътиrozларини асослаётган ҳолатлар, шунингдек ишнинг тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳар қандай ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суд қонунда белгилangan тартибда аниқлаши учун асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар тушунилади. Бу маълумотлар қуидагилардан олиниши мумкин:

тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришларидан;
гувоҳлар кўрсатувларидан;
ёзма ва ашёвий далиллардан;
аудио- ва видеоёзувлардан;
экспертлар хulosаларидан;
мутахассислар маслаҳатлари (тушунтиришлари)дан.

2. Тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришлари деганда, ушбу шахслар ва улар-

нинг вакиллари томонидан иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни судга билдиришлари тушунилиши лозим.

Тарафлар, учинчи шахслар ва улар вакилларининг тушунтиришлари оғзаки тарзда ҳам, ёзма кўринишда ҳам берилиши, шунингдек ФПК 209-моддасида белгилangan тартибда видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш йўли билан олиниши мумкин.

3. Гувоҳларни сўроқ қилиш суд томонидан ФПК 229–231-моддаларида белгилangan тартибда амалга оширилади. Гувоҳларнинг далилларни таъминлаш ёки суд топшириғи тартибида олинган кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

Тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар илтимосига ёки суднинг ташаббусига кўра, ишни кўраётган суд жойлашган жойдан бошқа ерда яшовчи гувоҳлар суд топшириғи тартибида ёки видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланиш орқали сўроқ қилинишлари мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, фуқаролик иши бўйича вакил ёки жиноят иши бўйича ҳимоячи сифатида қатнашган шахс вакил ёки ҳимоячи вазифасини бажарганилиги муносабати билан унга маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида, шунингдек жисмоний ва рухий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар тўғрисида тўғри кўрсатувлар беришга лаёқатсиз шахс гувоҳ бўла олмайди.

Шу билан бирга ишда иштирок этувчи шахсларга нисбатан қариндошлиги, хиз-

мат бўйича ёки бошқа қарамлиги ёхуд шахсий адовати борлиги шахснинг ишда гувоҳ сифатида қатнашишига тўсқинлик қилмайди. Мазкур ҳолатлар суд томонидан гувоҳ кўрсатувларини баҳолашда эътиборга олиниши лозим.

4. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 84-моддасига мувофиқ, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган рақамли, график ёзув шаклида бажарилган, шу жумладан, факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд хужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган хужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади.

Бир қатор хужжатлар (ФХДЁ органлари томонидан бериладиган гувоҳномалар, нотариал хужжатлар, векселлар) хуқукий шакли тартибга солинган ва улар учун муайян ҳимоя даражасига эга бўлган маҳсус бланкалар, маҳсус реквизитлар (муҳр, штамп) ва шаклига нисбатан бошқа талаблар назарда тутилган бўлиб, улар мазкур талабларга мувофиқ бўлмагандан, шунингдек улар имзоланмаган ёки ваколат берилмаган шахс томонидан имзолангандар, улар суд томонидан ёзма далиллар сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

5. ФПК 87-моддасига кўра, ёзма далиллар судга, қоида тариқасида, асл нусхада ёки тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхада тақдим этилади. Агар хужжатнинг кўчирма нусхаси тақдим этилган бўлса, суд зарур ҳолларда, унинг аслини талаб қилиб олишга ҳақли. Агар кўриб чиқилаётган ишга хужжатнинг фақат бир қисми тааллуқли бўлса, унинг тасдиқланган кўчирма нусхаси тақдим этилиши мумкин. Ишга хужжатнинг аслини қўшиб қўйиш имкони бўлмаган ҳолларда, судья хужжатнинг кўчирма нусхаси устига унинг аслига мослиги тўғрисида белги қўяди.

Имзосиз хатларда келтирилган, шунинг-

дек келиб чиқиши номаълум бўлган ёки конун бузилган ҳолда олинган маълумотлар далил бўла олмайди (ФПК 71-моддасининг иккинчи қисми).

ФПК 80-моддасининг саккизинчи қисмига кўра, фақат хужжатнинг ёки бошқа ёзма далилнинг кўчирма нусхаси билан тасдиқланган ҳолатлар, башарти тарафлар томонидан тақдим этилган хужжатнинг кўчирма нусхалари ўзаро бир хил бўлмаса ва хужжатнинг асл мазмунини бошқа далиллар ёрдамида аниқлашнинг иложи бўлмаса, исботланган деб ҳисобланмайди.

6. Судларга тушунтирилсинки, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган чет давлатда олинган хужжатлар, қонун хужжатларида белгиланган тартибда легализация қилинган ҳоллардагина суд томонидан ёзма далил деб тан олиниши мумкин ва уларга умумий асосларда баҳо берилади.

7. Ашёвий далиллар деганда, ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган предметлар тушунилади. Ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса, эксперtlар, мутахассислар ва гувоҳларга тақдим этилади.

8. ФПК 239-моддасига мувофиқ, ёзма ва ашёвий далилларни судга тақдим этиш имконияти бўлмагандан, улар турган жойида кўздан кечирилиши ва текширилиши лозим. Ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш натижалари суд мажлиси баённомасига киритилади ва унга кўздан кечириш пайтида тузилган режалар, чизмалар, суратлар, ҳисоб-китоблар, фотосуратлар, шунингдек эксперт хulosаси ва мутахассис маслаҳати илова қилинади.

9. Фуқаролик иши бўйича исботлаш предмети ишни тўғри ҳал қилиш учун суд томонидан аниқланиши лозим бўлган ҳо-

латлар доирасидан иборат. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қонунда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаш, уларни муҳокамага қўйиш, ҳатто тарафлар бу ҳолатларни келтирмаган бўлса ҳам, судга юклатилган (ФПК 72-моддасининг иккинчи қисми).

10. Процессуал қонун талабларига мувофиқ, далилларни тақдим этиш ва исботлаш мажбурияти тарафларга юклатилган. Шу билан бирга судлар назарда тутишлари лозимки, қонунда далилларни тақдим этиш мажбуриятини тақсимлашга оид умумий қоидалардан ташқари, айrim тоифадаги ишлар учун маҳсус қоидалар ҳам белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 111-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асослигини исботлаш масъулияти иш берувчига юклатилади, зарар етказишида айби йўқлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш мажбурияти эса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига мувофиқ жавобгарга юклатилади.

11. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, иш учун аҳамиятга эга бўлган, лекин суд томонидан ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлар ФПК 75-моддасининг биринчи қисмiga қўра, исботлашни талаб этмайди. Ҳаммага маълум ҳолат деганда, жумладан, ҳам тарафларга ва ҳам ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга аниқ маълум бўлган факт тушунилиши лозим.

ФПК 75-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ, фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий иш бўйича суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган фактлар айнан шу шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишлари муҳокамаси вақтида янгидан исбот қилинмайди ва низолашилиши мумкин эмас.

Жиноят иши бўйича қонуний кучга кир-

ган суд ҳукми устидан ҳукм чиқарилган шахс харакатларининг фуқаролик-ҳукуқий оқибатларига оид ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу харакатлар содир этилган-етилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилганлиги-етилмаганлиги масалалари бўйича мажбурийдир. Ҳал қилув қарорида, ҳукмга ҳавола қилинишидан ташқари, тарафлар томонидан тақдим этилган ва суд томонидан тўпланган ҳамда даъво мазмуни бўйича холосага келишда суд асосланган далиллар кўрсатилиши лозим. Етказилган зарар миқдорига доир ҳолатлар умумий асосларда исботланиши лозим.

Нотариус томонидан нотариал ҳаракат амалга оширилган пайтда тасдиқланган ҳолатлар ҳам, агар нотариал тартибда тасдиқланган хужжатнинг ҳақиқийлиги ФПК 235 ва 236-моддаларида белгиланган тартибда рад этилмаган ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш тартиби жиддий тарзда бузилганлиги аниқланмаган бўлса, исботлашни талаб этмайди (ФПК 75-моддасининг бешинчи қисми).

12. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, бир тараф томонидан бошқа тараф ўз талаб ёки эътиrozларини асослаётган фактларнинг тан олиниши, фактлари тан олинган тарафни бу фактларни исботлаш мажбуриятидан озод қиласди. Шу билан бирга, агар бундай фактларга нисбатан судда шубҳа пайдо бўлса, улар умумий асосларда исботланиши лозим (ФПК 81-моддаси).

13. Процессуал қонун талабларига мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича исботлаш далиллар алоқадорлиги ва мақбуллиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Далиллар мақбуллиги қоидаси (ФПК 74-моддаси) қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган иш ҳолатлари бошқа ҳеч қандай

исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмаслигини англатади (масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 109-моддасида белгиланган битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик, низо келиб чиққанда тарафларни битим тузилганлиги ва унинг шартларини тасдиқлаш мақсадида гувоҳлар кўрсатувига таяниш хукуқидан маҳрум қиласди).

Далиллар алоқадорлиги қоидаси (ФПК 73-моддаси) суд томонидан, фақат низо предметига алоқадор ҳолатларни тасдиқловчи далиллар кўришга қабул қилиниши мумкинлигини англатади. Шунга кўра, судлар барча ҳолларда, айнан қайси ҳолатлар иш бўйича аҳамиятга эга эканлигини ва гувоҳлар кўрсатувлари, ёзма ёки ашёвий далиллар билан тасдиқланиши мумкинлигини аниқлаб олишлари лозим.

14. Судларнинг эътибори шунга қартилсинки, далилларни тақдим этиш тарафларга юклатилганлиги туфайли, далилларни тақдим этиш улар учун қийинчилик тутғирган ҳолларда, суд уларнинг илтимосига кўра, далиллар тўплашда кўмаклашибиши лозим.

15. Бирор-бир сабабга кўра, далилларни ишни кўраётган судга бевосита тақдим этиш имкони бўлмаса (масалан, далиллар бошқа аҳоли пункти худудида бўлса), суд бошқа судга уларни талаб қилиб олиш ва текшириш бўйича процессуал харакатлар ўтказиш тўғрисида суд топшириги юборади.

16. Зарур далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади, деб ҳисоблашга асоси бўлган шахс илтимосига кўра, суд бундай далилларни таъминлаш бўйича қонунда кўзда тутилган чоралар кўриши лозим. Бундай чоралар иш қўзғатилгунга қадар ҳам, қўзғатилганидан сўнг ҳам ва, нафақат ишни кўраётган суд томонидан, балки далилларни таъминлаш бўйича суд топши-

риғи юборилган суд томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

17. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган, иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ўзида сақлаган аудио- ёки видеоёзувлар, электрон почта ёки бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ёзишмалар суд томонидан бошқа далиллар мажмуида баҳоланиши лозим. Аудио- ёки видеоёзувни тақдим этган ёки уни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимоснома берган шахс, ёзув қачон, ким томонидан ва қандай шароитларда (ҳолатларда) амалга оширилганлигини кўрсатиши шарт, мазкур ёзувни амалга оширган шахс эса, зарурат вужудга келганда, суд мажлисида сўроқ қилиниши мумкин.

Кузатув камералари видеоёзувлари, бундай ёзувлар амалдаги қонун ҳужжатларини бузмаган ҳолда амалга оширилгандагина, мақбул далиллар ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан ҳужжатнинг ёки тақдим этилган аудио- видеоёзувнинг қалбаки эканлиги тўғрисида арз қилинган тақдирда, суд мазкур аризани текшириш учун тегишли экспертиза тайинлаши ёки бошқа далиллар талаб қилиши мумкин.

18. Судларга тушунтирилсинки, эксперт хulosасидан, агар у ФПК талабларига катъий мувофиқ ҳолда тайинланган ва ўтказилган суд экспертизаси натижаси бўйича тузилган бўлса, мустақил исботлаш воситаси тури сифатида фойдаланилиши мумкин. Процессуал қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда олинган ҳар қандай бошқа хulosалар исботлаш воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

Тараф тадқиқот предметини (зарур материаллар ва ҳужжатларни) экспертга беришдан ёки экспертиза ўтказилишида шахсан иштирок этишдан узрли сабабларсиз бош тортганда, суд қайси тараф узрли са-

бабларсиз экспертизадан бош тортганлиги, шунингдек унинг учун ўтказилмай қолган экспертиза қандай аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, аниқланиши учун экспертиза тайинланган факт аниқланган ёки рад этилган деб топишга ҳақли.

19. Конун бўйича далилларни текшириш деганда, далилни бошқа далиллар ёрдамида текшириш, шунингдек агар тақдим этилган далилларда қарама-қаршиликлар бўлса, уларни аниқлаш ва бартараф этиш тушунилади. Суд иш бўйича қарор қабул қилишда суд муҳокамаси даврида текширилмаган далилларга ҳавола қилишга ҳақли эмас.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда шахсий ёзишмалар, телеграф ва бошқа хабарларни очиқ суд мажлисида эшиттириш йўли билан текширишга, фақат шу ёзишма, телеграф ва бошқа хабарларни ўзаро ёзишган шахслар розилиги билан йўл қўйилиши мумкинлигини назарда тутувчи маҳсус қоидалар белгиланган.

20. ФПК 80-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, суд иш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни суд мажлисида ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқкандан сўнг, далилларга ўз ички ишончига асосланиб баҳо беради.

21. Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далиллар мажмуи эса – етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Далилларга баҳо бериш мантиқий, ҳақиқий ҳолатга мувофиқ бўлиши, баҳо бериш натижалари эса, суд хужжатида акс эттирилиши лозим. Агар суд хужжат қалбаки деган хуносага келса, уни далиллар қаторидан чиқаради.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 80-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Далил, агар у ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлса, суд томонидан

қабул қилинади, ёки, агар уларга мувофиқ бўлмаса, рад қилинади. Бирор-бир далилни унинг ишончсизлиги сабабли рад этганда, суд шу масала бўйича ўз нуқтаи назарини асослаши шарт.

Эксперт (экспертлар комиссияси) хуносаси ҳам суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас ва иш бўйича бошқа далиллар мажмуида баҳоланиши лозим. Эксперт (экспертлар комиссияси) хуносаси билан келишмаса, суд ўзининг келишмаслиги сабабларини суд ҳужжатида асослаши шарт.

22. Муқаддам қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилинганидан сўнг ишни қайтадан кўришда, агар янги суд мажлисида гувоҳнинг иштирок этиши имкони бўлмаса (бетоблиги оқибатида, узоқ хизмат сафари ва бошқалар) суд илгариги суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатувларини, шунингдек олдинги суд мажлисларида даъвони таъминлаш (ФПК 78-моддаси) ва суд топшириғи (ФПК 103, 104-моддалари) тартибида олинган ёзма далилларни ўқиб эшиттиришга ва бошқа далиллар мажмуида баҳолашга ҳақлидир. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, мазкур қоида тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахслар тушунишиларига нисбатан қўлланилмайди.

23. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги «Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид конун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 11-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

К. КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

И. АЛИМОВ,
Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

**ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БҮЙИЧА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ
УНДИРИШ АМАЛИЁТИ ТҮҒРИСИДА**

2020 йил 19 декабрь

36-сонли

Тошкент шаҳри

Иқтисодий ишлар бүйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, судлар томонидан мазкур масалага доир қонун хужжатлари түғри кўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар түғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, иқтисодий ишлар бүйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлик чиқимлардан иборат.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи түғрисида»ги Қонуни (бундан бўён матнда «Давлат божи түғрисида»ги Қонун деб юритилади) 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан хужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўлов тушунилади.

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар иқтисодий ишлар бүйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этиши шарт.

3. Тушунтирилсинки, иқтисодий ишлар бүйича давлат божи қуидагилардан ундирилади:

- 1) судларга бериладиган даъво аризаларидан;
- 2) ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш түғрисидаги аризалардан;
- 3) низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифа-

тида ишга киришиш ҳакидаги аризалардан;

4) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг хукуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш түғрисидаги аризалардан;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳакидаги аризалардан;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш түғрисидаги аризалардан;

7) чет давлат судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан;

8) апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан:

а) иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан;

б) иш юритиши тугатиши түғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш түғрисидаги, суд жарималарини солиш түғрисидаги ажримлар устидан;

в) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш түғрисидаги ажримлар устидан;

г) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ажримлар устидан;

д) чет давлат судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш түғрисидаги ажримлар устидан;

9) суд хужжатларининг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун.

Шунингдек, давлат божи даъво миқдорини кўпайтириш ва суд буйруғини бериш түғрисидаги аризалардан ҳам ундирилади.

Иш хужжатларидан фотонусха кўчириш учун давлат божи ундирилмайди.

4. Иқтисодий ишлар бүйича давлат божини тўлаш билан боғлик муносабатлар Ўзбе-

кистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан бўён матнда ИПК деб юритилади) 12-боби ва «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

5. Давлат божи даъво аризаси (ариза), шикоят судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган ёки суд давлат божи тўлашни кечиктирган бўлса).

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан тасдиқланиши керак.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир нечта даъво аризалари (аризалар) бўйича давлат божи битта тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади.

Қолган ишларга судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақами кўрсатилган ҳамда тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади (маълумотнома тузилади).

Мазкур қоида почта харажатларига нисбатан ҳам кўлланилади.

6. Шуни назарда тутиш лозимки, тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори даъвогар (аризачи) судга мурожаат қилаётган талабининг турига қараб қонун хужжатларида белгиланган ставкалар бўйича аниқланади.

Бир нечта мустакил талаблардан иборат бўлган даъво аризаларидан (аризалардан) давлат божи ҳар бир талаб бўйича, ушбу талаб учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича алоҳида ундирилади.

ИПК 139-моддасига кўра, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида хисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланади.

Судларга тушунтирилсинки, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза бўйича тўланана-

диган (ундириладиган) давлат божи миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган ҳолда эса, тўланадиган давлат божининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисига кўра, қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустакил талаблар билан кириш ҳақидаги аризаларидан давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Ишга киришган даъвогар (аризачи)нинг хукуқий ворисидан давлат божи, агар у муқаддам тўланмаган бўлса, умумий асосларда ундирилади.

8. Даъво аризаси (ариза) бир неча шахс томонидан биргаликда тақдим этилганда, давлат божи мазкур турдаги талаб учун белгиланган миқдордан ошмаслиги лозим.

Бирлаштирилган бир ёки бир неча талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда, қонун хужжатлари талабларига мувофиқ тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. У алоҳида ажратилган иш юритиш бўйича ҳисобга олинади, бу ҳақда судья томонидан тегишли маълумотнома тузилади ва иш материалларига қўшиб қўйилади.

9. Суд томонидан кўрмасдан қолдирилган даъво аризаси (ариза) такроран берилганда давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади.

Агар даъво аризаси (ариза) кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлса-ю, лекин қайтарилмаса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки хужжат такроран берилган аризага илова килиниши мумкин («Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг бешинчи қисми).

Мазкур норма қайтарилишига сабаб бўлган камчиликлари бартараф этилиб қайта

топширилган даъво аризаларига (аризаларга) нисбатан ҳам қўлланилади.

10. Судга давлат божи тўланмаган даъво аризаси (ариза) келиб тушганда, судья қонун бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган шахслар рўйхатига даъвогар (аризачи) кириши ёки кирмаслигини текшириши шарт («Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси). Агар даъвогар (аризачи) қонунга кўра, давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса ва аризада уни тўлашни кечикириши ҳакида илтимоснома мавжуд бўлмаса, шунингдек почта харажатлари тўланмаганда, судья тўланиши лозим бўлган давлат божи, почта харажатлари суммасини ҳамда ушбу камчилик бартараф қилингандан сўнг даъвогар (аризачи)нинг умумий тартибда такроран мурожаат қилиш хукукини кўрсатган ҳолда даъво аризасини (аризани) қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради (ИПК 155-моддаси).

Қонун бўйича судья давлат божини тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод этиш хукуқига эга эмаслигини назарда тутиш лозим. Бирок, даъвогар (аризачи)нинг, хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахснинг мулкий аҳволидан келиб чиқиб, судья давлат божини тўлашни кечикириш масаласини ҳал қилишга ҳақли («Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг йигирма еттинчи қисми).

11. Ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсдан давлат фойдасига ундириладиган давлат божини кечикириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга пул маблағлари бўлмаганлигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни текшириши лозим. Пул маблағларининг бўлмаганлиги тўғрисидаги банкнинг тасдиғи судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана билан қайд этилган бўйича лозим.

12. Судларга тушунтирилсинки, давлат божини қайтариш асослари «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг маъносига кўра, давлат божи қонунда талаб қилинганидан ортиқча микдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми, бошқа ҳолларда эса тўлиқ ҳажмда қайтарилади.

13. Судлар шуни назарда тутиши лозими, иқтисодий ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

далилларни жойида кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

суд тайинлаган экспертизани ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

суд хабарномаларини ва суд хужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари;

суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлар киради.

Судларнинг эътибори суд чиқимларини тўлашдан озод этиш қонунда назарда тутилмаганлигига қаратилсин.

14. Суд чиқимларининг тараф (тарафлар) томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, экспертни, мутахассисни чакириш, жойига бориб кўздан кечириш ҳакида қилинган илтимосномани, агар бу тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятларини, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса, қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда ишни кўриш билан боғлиқ сарф қилинган чиқимлар, ИПК 118-моддасида белгиланган қоидалар бўйича суд хужжати кабул қилинаётганда ундирилади.

15. Тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга харажатларни тўлаш тартиби ва микдори ҳакида»ги Қонуни билан белгиланган.

16. Умумий қоидага кўра, иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиқсан тараф тўлайди.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ИПК 118-моддаси билан тартибга солинади. Шу сабабли, суд муҳокамаси жараёнида суд (судья) суд харажатлари билан

боғлиқ ҳолатларни текшириши, бу ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли хulosалар қилиши ва нафақат ундирувга бўлган хуқуқни, балки иш бўйича тарафдан (тарафлардан) ундирилиши лозим бўлган аниқ суммани белгилashi ҳамда шу суммани ҳал қилув қарорининг (ажримнинг, қарорнинг) хulosаси қисмида кўрсатиши лозим.

17. Даъвогар (аризачи) тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилимаган бўлса, қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар (аризачи) томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво аризаси (ариза) тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, у давлат фойдасига ҳар бир жавобгардан алоҳида қаноатлантирилган талабларга мутаносиб равишда ундирилади.

Даъво аризаси (ариза) қаноатлантирилган ҳолда даъвогар (аризачи)нинг тегишли илтимосномаси мавжуд бўлгандагина, суд харажатлари унинг зиммасига юклатилиши мумкин.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг манфатида киритган даъво аризалари (аризалар) кўрмасдан қолдирилганда ёки иш юритиш тугатилганда давлат божи манфаати кўзланниб даъво киритилган даъвогарлардан ундирилади, бунда «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, даъво кўрмасдан қолдирилган ёки иш юритиш тугатилган ҳоллар мустасно.

18. Тушунтирилсинки, даъвогар (аризачи) арз қилган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларнинг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар (аризачи) ўз талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолда, давлат божи жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

19. ИПК 189-моддасига кўра, суд харажатлари масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори факат, бу масала ҳал қилув қарори чиқариш вақтида ечилмаган ҳолдагина чиқарилиши мумкин.

20. Судларга тушунтирилсинки, давлат божи билан боғлиқ масалалар бўйича қабул қилинган суд хужжатлари устидан умумий асосларда шикоят (протест) берилиши мумкин.

Агар апелляция, кассация ва назорат шикояти берилганда суд хужжатининг факат ундириш ёки ундиришни рад этиш қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланади.

21. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар (2, 20, 21-бандларида кўрсатилган шахслардан ташқари) суд хужжатлари устидан апелляция, кассация, назорат шикояти билан мурожаат қилганда давлат божидан озод этилган.

Апелляция, кассация ва назорат шикоятидан воз кечилганлиги сабабли, шикоят кўрмасдан қолдирилганда ёки иш юритиш тугатилганда, тўланган давлат божи қайтарилмайди, агар шикоят беришда давлат божи тўланмаган бўлса, давлат божи шикоят берган шахсдан ундирилади.

22. Юқори инстанция судлари иқтисодий ишларни апелляция, кассация, назорат тартибida кўриш вақтида куйи инстанция судлари томонидан суд харажатларини ундиришда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чораларини кўриши лозим.

23. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда давлат божи тушумлари хисобга олинишини вақти-вақти билан тақослаш ўтказиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини амалга ошириши лозим.

К. КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

И. АЛИМОВ,
Пленум хотиби,
Олий суд судьяси

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

2020 йил 19 декабрь

37-сонли

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида» 2013 йил 31 майдаги 8-сонли қарори:

номи, преамбула ва матнидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «йифимлар» деган сўз билан, «энг кам ойлик иш ҳақи», «энг кам ойлик иш ҳақи миқдори» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «базавий ҳисоблаш миқдори» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандинингтўртинчихатбошисиқуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқлар ва йифимларни тўлашдан бошқа тарзда қасдан бўйин товлаш солик тўловчининг давлат солик хизмати органдарига солик ҳисоботи ҳужжатларини ёки солик қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасдан тақдим этмаслик ёки солик ҳисо-

боти тақдим этилганидан сўнг содир этилган, солиқлар ва йифимларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тўлов қобилиятсизлиги ҳолатини сунъий равишда вужудга келтиришга қаратилган қилмишларда ифодаланади»;

3-бандининг иккинчи – бешинчи хатбошилари қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«СК 17-моддасининг биринчи кисмига мувофиқ, қуидаги солиқлар белгиланади:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ.

Ўзбекистон Республикаси худудида бюджет тизимиға мажбурий тўланадиган йифимлар ҳам белгиланиши мумкин. Йифимларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби СК ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Автотранспорт йифимини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби СК билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, алкоголли маҳсулотларни, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш учун йифим, заргарлик

буюмларини чакана савдоси учун йифим каби бошқа йифимлар қонун ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибига солинган (масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5721-сонли Фармони);

8-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Қонунга кўра (СК 213-моддаси), шахс қўйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда солиқка оид ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортимиши мумкин эмас:

солиқка оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактининг мавжуд эмаслиги (масалан, агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги солиқлар учун тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа (СК 103-105-моддалари);

солиқка оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби мавжуд эмаслиги (масалан, қилмишнинг табиий оғат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида, шахс томонидан ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган касаллик ҳолатида содир этилган бўлса ва СК 215-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда);

солиқ органининг ёки бошқа ваколатли органнинг солиқни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш тартиби тўғрисида ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилишининг бошқа масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида солиқ тўловчига берган ёзма тушунтиришлари солиқ тўловчи томонидан бажарилганлиги;

солиқ мониторингини ўтказиш даврида солиқ органининг солиқ тўловчига юборилган асослантирилган фикри солиқ тўловчи томонидан бажарилганлиги.

Қонунга кўра (СК 103-105-моддалари),

агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги тўловлар учун қасдан тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа, шахс жавобгарликка тортимиади. Агар бир турдаги солиқлар учун ортиқча тўланган сумманинг миқдори бошқа турдаги тўловлар учун қасдан тўланмаган сумманинг миқдорини кисман қопласа, шахснинг айборлик масаласи тўланган ва тўланмаган суммалар орасидаги фарқ миқдоридан келиб чиқкан ҳолда ҳал этилади.

Ўзи илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ва (ёки) хатоларни аниқлаган солиқ тўловчи ушбу солиқ ҳисоботига зарур тузишларни киритиши ва солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт. Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига солиқни тўлаш муддати ўтгандан кейин тақдим этилган бўлса ва бунда ушбу ҳисобот солиқ тўловчи томонидан солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган ҳолатлар солиқ органи томонидан аниқланганлигини ёки солиқ аудити тайинланганлигини билган пайтга қадар тақдим этилган бўлса ва ушбу ҳисобот тақдим этилгунга қадар у етишмаётган солиқ суммасини ва унга тегишли пеняларни тўлаган бўлса, солиқ тўловчи жавобгарликдан озод қилинади (СК 83-моддаси)»;

9-банди:

биринчи хатбошисидаги «СК 56-моддаси» деган сўзлар «СК 103-105-моддалари» деган сўзлар билан, «СК 109, 110-моддалари» деган сўзлар «СК 213-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «Солиқ кодекси 162-моддасига» деган сўзлар «СК 73-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13-банди:

матнидаги «СК 3-моддаси» деган сўзлар «СК 4-моддаси» деган сўзлар билан ал-

маштирилсин;
куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Солик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-даги барча бартараф этиб бўлмайдиган қа-рама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солик тўловчининг фойдасига талқин этилади (СК 13-моддаси)»;

13¹-банди:

биринчи хатбохисидаги «давлат со-лиқ хизмати органининг қарорини» деган сўзлардан кейин «ёки Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбохисидаги «СК 36-модда-си» деган сўзлар «СК 86-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амали-ётининг айрим масалалари тўғрисида» 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли қарори:

матнидаги «бошқа мажбурий тўлов-лар» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «йифимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

4-бандининг биринчи хатбохиси куйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўқки-зинчи** **кичик хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга»;

13-бандининг биринчи хатбохиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар тадбиркорлик фаолиятини маҳсус руҳсатнома (лицензия) олмасдан амалга ошираётган шахс, айни пайтда рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товласа, унинг ҳаракатлари ЖК 188-моддаси билан квалификация қилиниши лозим бўлиб, ЖК 190-моддаси

билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди».

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллашбўйи-ча суд амалиёти тўғрисида» 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарори 31-бандининг учинчи хатбохисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жазоларни либерал-лаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисо-диёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2004 йил 21 майдаги 4-сонли қарори мат-нидаги «энг кам ойлик иш ҳақи», «энг кам ойлик иш ҳақи миқдори» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «базавий ҳисоблаш миқдори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғри-сида» 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори 16-бандининг биринчи хатбохисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жазони ўташдан муд-датидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2016 йил 27 де-кабрдаги 28-сонли қарори **5-бандининг иккинчи хатбохисидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли қарори **матнидаги** «энг кам ойлик иш ҳақининг»

деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг иқтисодий ишлар бўйича қуидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2002 йил 4 мартағи 103-сонли қарори:

4-бандидаги «ХПКнинг 141-моддасига» деган сўзлар «ИПКнинг 183-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-бандининг тўртинчи хатбошиси қуидаги таҳирда баён этилсин:

«Бошқа ҳолларда, масалан, шартномаларни тузишда, қонунчиликда белгиланган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли Фармонининг устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ёки ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасдан маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқланган 1-банди ёки товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сонли Фармонининг 4, 5-бандларида белгиланган бартер шартномалари тузилишини тақиқлаш, маҳсулот (ишлар,

хизматлар) учун тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан ундиришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги талаблар инобатга олинмаган бўлса, суд низони мазмунан қўриб чиқиб, бундай шартномаларни тузишда айбор мансабдор шахсларнинг маъмурий ёки интизомий жавобгарлиги масаласини ҳал этади, агар шахсларнинг харакатларида жиноят аломатлари аникланса, жиноят иши қўзгатиш масаласини ҳал этиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қиласди»;

15-бандининг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги сунистъемолчиликларнинг олдини олишда иқтисодий судларнинг ролини ошириш тўғрисида» 2004 йил 12 мартағи 115-сонли қарори:

2-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4478-сонли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасига» деган сўзлар «Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-банди қуидаги таҳирда баён этилсин:

«14. Иқтисодий судлар шуни эътиборга олсинларки, «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 18-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сонли қарорининг 3-бандига кўра, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши,

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари - фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини қўзлаб қилинган даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилганлар.

Бунда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати қўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи үндирилмайди».

3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «**Банкротлик тўғрисидаги қонун хужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида**» 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори:

13.2-бандидаги «хўжалик судига» деган сўзлар «иктисодий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13.3-бандининг тўртинчи – олтинчи хатбошилари қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«Қоидаларнинг 21-бандига мувофик, банкротликни яшириш аломатлари банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги давр мобайнида, шунингдек банкротлик таомиллари жараёнида суд бошқарувчиси томонидан аниқланади»;

20-бандининг учинчи хатбошисидаги «хўжалик суди» деган сўзлар «иктисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «**Иқтисодий суднинг хусусий ажрими тўғрисида**» 2007 йил 28 декабрдаги 172-сонли қарори:

2-банди иккинчи хатбошининг ўзбек тилидаги матнида «хўжалик низосидан» деган сўзлар «низодан» деган сўз билан алмаштирилсин;

4-банди чиқариб ташлансин;

6.3-бандидаги «хўжалик суди» деган сўзлар «иктисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8.4-бандининг учинчи хатбошисидаги «Хўжалик ишини» деган сўзлар «Ишни»

деган сўз билан алмаштирилсин;

8.5-бандининг иккинчи хатбошисидаги «хўжалик иши» деган сўзлар «иктисодий иш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-бандининг биринчи хатбошисидаги «хўжалик низосини» деган сўзлар «иктисодий низони» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «**Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида**» 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарорининг **20-банди қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:**

«Агар келишув битимида қарздорликни муайян муддатларда тўлаш назарда тутилган, бироқ битим шартлари лозим даражада бажарилмаган тақдирда, суд манфаатдор шахснинг илтимосномасига асосан келишув битимида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда битта ижро варақасини беради».

6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «**Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун хужжатлари қўлланилишининг айrim масалалари тўғрисида**» 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарори:

11-бандининг учинчи хатбошисидаги «тўртинчи ва бешинчи қисмларидағи» деган сўзлар «тўртинчи қисмидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12.2-банди чиқариб ташлансин;

12.3-бандидаги «бешинчи қисмига» деган сўзлар «тўртинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12.4-банди биринчи хатбошининг ўзбек тилидаги матнида «олтинчи қисмининг» деган сўзлар «бешинчи қисмининг» деган сўзлар билан, «тўртинчи ва бешинчи қисмларига» деган сўзлар «тўртинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирил-

син, рус тили матнидаги «части шестой» деган сўзлар «части пятой» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «и пятой» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2011 йил 1 декабрдаги 234-сон қарори:

5-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар тегишли келишикдаги «Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-бандининг иккинчи хатбошиси «нотариал тасдиқланган бўлиши керак» деган сўзлардан кейин «, бундан ФК 565-моддасининг учинчи кисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17-банди:

биринчи хатбошисидаги «учинчи қисмини» деган сўзлар «тўртинчи қисмини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сонли қарори билан тасдиқланган «Бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандига мувофиқ, мулқдор ёки у томонидан вакил қилинган шахс ижара шартномаси тузилган вақтдан бошлаб бир ой муддатда, бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманома беришлари шарт».

8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2012 йил 15 июндаги 238-сонли қарори:

9-бандининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдағи 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иловасида келтирилган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15.1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «хўжалик низоларини» деган сўзлар «иқтисодий низоларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2013 йил 5 декабрдаги 254-сонли қарори:

1-бандидаги ««Лизинг тўғрисида»ги Қонун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2.1-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 2.4 ва 7.4-бандлари чиқариб ташлансин;

7.1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Солиқ кодексининг 59 ва 60-моддалари» деган сўзлар «Солиқ кодексининг 115 ва 116-моддалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Солиқ кодексининг 330-моддасига» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10.2-бандидаги «Солиқ кодекси 337-моддаси йигирма бешинчи қисмининг» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддаси йигирма олтинчи қисмининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10.4-бандининг иккинчи хатбошисидаги «Солиқ кодексининг 342-моддасида» деган сўзлар «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида» деган сўзлар билан ал-

маштирилсин;

20-банди қуидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган апелляция ёки кассация шикояти ИПК 281 ва 305-моддалари тартибида кўриб чиқилади. Ажрим апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган тақдирда, биринчи инстанция суди томонидан берилган суд буйруғи ҳам бекор қилиниши лозим».

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **«Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида»** 2014 йил 20 июнданги 262-сонли қарори:

кириш қисми, 1-банди, 3-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 4-бандининг ўзбек тилидаги матнида «хўжалик ширкатлари ва жамиятлари», «хўжалик ширкати ва жамияти» деган сўзлар тегишли сон ва келишидаги «хўжалик ширкати» деган сўзлар билан алмаштирилсин, рус тилидаги матнида «и обществами», «и обществ», «и общества», «и обществе» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Судларнинг эътибори хўжалик ширкати зиммасига унинг бошқарув органлари ваколатига кирадиган мажбурият (масалан, устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ёки камайтириш, жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш)ни юклаш ҳақидаги даъво талаби, ушбу мажбурият қонун ҳужжатлари билан ширкат бошқарув органининг ваколатига киритилганлиги сабабли, рад этилиши лозимлигига қаратилсин»;

22.4-бандининг биринчи хатбошидаги ««Чет эл инвестициялари тўғрисида»» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг тўртинчи қисмига» деган сўзлар ««Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»» ги Ўзбекистон Республикаси Қо-

нуни 56-моддасининг тўртинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **«Иқтисодий судлар томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишида процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»** 2014 йил 28 ноябрдаги 270-сонли қарори:

5-бандининг учинчи хатбошиси қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда таржимон билан таъминлаш видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисини ўтказишига кўмаклашувчи ёки иш иш юритувида бўлган иқтисодий суд томонидан амалга оширилади. Таржимон билан таъминлаш видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисини ўтказишига кўмаклашувчи иқтисодий суд томонидан амалга оширилганда, ушбу суд таржимонга ИПК 59-моддасида назарда тутилган хукуқ ва мажбуриятларни тушунтирганлиги ҳақида тилхат олади ва ишни кўраётган судга юборади»;

6.1-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.1. Судларга тушунтирилсинки, ишда иштирок этувчи шахсларнинг барчаси битта маъмурий-худудий бирлик (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар), яъни ишни кўраётган иқтисодий суд жойлашган худудда жойлашган бўлса-да, бошқа суд биносидан туриб видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида иштирок этиш учун судга илтиноснома билан мурожаат қилишга ҳақли».

12. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **«Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида»** 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори:

6-бандининг биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «лизинг обьектини қайтариб олган» деган сўзлар «гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни лизинг обьектига қа-

ратган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банди чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан улар ҳақидаги ахборотни ошкор қилининг белгиланган тартиби бузилган холда амалга оширилган (қабул қилинган) битимларни (қарорларни) ҳақиқий эмас деб топишнинг айрим масалалари тўғрисида» 2015 йил 27 ноябрдаги 290-сонли қарори:

4.1-банди:

саккизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади (62-модданинг биринчи қисми);»;

ўнинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тутувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Жамиятни ихтиёрий равища тутатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади (99-модданинг биринчи қисми);»;

7.2-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаганлиги, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юбо-

рилмаганлиги;».

14. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пуррати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли қарори:

4-бандининг биринчи хатбошисидаги «танлов (тендер) савдолари» деган сўзлар «электрон дўкон, танлов, тендер, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20-банди:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 330-моддасининг 27-бандига» деган сўзлар ««Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 17-бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 330-моддасининг 27-бандида» деган сўзлар ««Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 17-бандида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарорининг **20-банди** чиқариб ташлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори:

13-бандининг учинчи хатбошисидаги «кўриб чиқилмаслиги ва мазкур талаб мустақил равища билдирилиши мумкинлиги ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида кўрсатилади» деган сўзлар «кўриб чиқилмайди ва суд бундай аризани қабул

қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24-банди қуидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, йўқолган суд ишини ёки ижро ишини юритишни тиклаш, ижро варақаси дубликатини бериш, суд хужжатининг ижросини кечикитириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги аризалар билан мурожаат қилингандан ҳам ариза юридик шахс раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланиши лозим (ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги аризалар давлат ижрочиси томонидан ҳам имзоланиши мумкин). Бундай турдаги аризалар ваколатли шахслар томонидан имзоланмаганда улар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда қайтарилади»;

28-банди қуидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ҳамда унга илова қилинган хужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича эса - жавобгарга даъво аризасининг ва унга илова қилинган хужжатларнинг кўчирма нусхалари топширилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса, даъво аризаси қайтарилиши белгиланган. Судларга тушунтирилсинки, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг хукуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш максадида тақдим этилган даъво аризаси (ариза) бўйича даъво аризасининг (аризанинг) ҳамда унга илова қилинган хужжатларнинг кўчирма нусхалари манфаати кўзланган шахсга юборилганлиги-

ни (топширилганлигини) тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса ҳам даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига мос ҳолда қайтарилади».

III. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «**Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун хужжатларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида**» 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори:

қуидаги мазмундаги **10¹-банд** билан тўлдирилсин:

«10¹. Судлар эътиборга шуни олишлари лозимки, агар қарз шартномасига кўра қарз берувчи қарз олувчидан фоизлар олиш хукуқига эга бўлса, лекин шартномада фоизлар миқдори белгиланмаган бўлса, фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарз суммаси берилган кундан қайтарилган кунгача бўлган даврда белгиланган қайта молиялаш ставкаси миқдорлари бўйичаundiрилиши керак»;

17-бандидаги «учинчи қисмига» деган сўзлар «бешинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18-бандининг тўртинчи хатбошидаги «тўртинчи қисмига» деган сўзлар «олтинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23-банди:

матнидаги «, гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бош-

ланғич сотиши баҳоси суд қарори билан белгиланмайды.

Шунга кўра, агар даъво аризасида гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиши баҳосини белгилаш ҳақида талаб мавжуд бўлса, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ушбу мол-мулк гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарх бўйича реализация қилиниши тўғрисида тушунтириш бериши лозим»;

25-бандининг иккинчи хатбошидаги «Саккизинчи қисмига» деган сўзлар «еттинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26-банди:

биринчи хатбошиси «гаров ҳукуки ўз кучида қолади» деган сўзлардан кейин «, бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳукуки ёки хўжалик асосида юритиш ҳукуки гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга оловчи розилик билдирган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

кўйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Судларга тушунтирилсинки, кредитор қарздордан пул маблағларидан фойдаланганлик учун қарзни қайтариш кунига қадар ҳисобланган фоизларни ундириш ва унинг ундирувини гаров нарсасига қаратиш тўғрисида судга мурожаат этишга ҳақли.

Бундай ҳолда, агар бошқа суд қарори билан кредит қарздорлигини ундириш гаров объектига қаратилган ва у белгиланган тартибда реализация қилинмаган бўлса, суд даъвонинг фоиз ундирувини гаров нарсасига қаратиш талабини қаноатлантириши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд ама-

лиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2009 йил 10 апрелдаги 6/196-сонли қарори **21-бандининг биринчи хатбошиси** «гаров ҳукуки ўз кучида қолади» деган сўзлардан кейин «, бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳукуки ёки хўжалик асосида юритиш ҳукуки гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга оловчи розилик билдирган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сонли қарори:

9-бандининг иккинчи хатбошидаги «ўз вақтида ва тўла ҳажмда» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «кинкассация қилиш» деган сўзлардан кейин «(банкларга топшириш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 329-моддасининг 13-бандига ва 330-моддасининг 3-бандига» деган сўзлар ««Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-банди:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин; **учинчи хатбошиси** тегишинча **иккинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

К. КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

И. АЛИМОВ,
Пленум хотиби,
Олий суд судьяси



ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА СУДЬЯЛАРНИНГ ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИГИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда судхуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш дарајасини юксалтириш, чинакам мустақил суд тизимини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимиз судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифа эканлигини, суд бирон-бир мансабдор шахснинг кўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл кўймаслик шартлигини таъкидлайди¹.

Судья одил судловни амалга ошириш тизимида марказий ўринни эгаллайди. Судья ўзига қонун билан юклантган маъсулиятли вазифани амалга ошириб, барча учун мажбурий бўлган қарор қабул қиласди. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги якка тартибдаги фаолияти фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган суд химоясида бўлиш хукуқининг таъминланиши ва суд идораларининг нуфузига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу ўринда судьяларда касбий вазифаларни амалга ошириш жараёнида жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, суд ишларини юритишда интизомни кучайтириш, шунингдек судьяларнинг алоҳида хукуқий мақомига мутаносиб тарзда уларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнида юридик жавобгарлигини таъминлаш бўйича ташкилий-хукуқий механизмларнинг яратилиши мамлакатда одил судловга эришиш дарајасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, В.Ф.Яковлевнинг таъкидлашicha, ўз мажбуриятларига нисбатан юқори даражадаги жавобгарлик ҳам, одил судловни амалга оширувчи инсоннинг ахлоқий қиёфаси ҳам судьялик мавқеининг ажралмас қисмларини ташкил этади².

Судьянинг юридик жавобгарлиги тушунчасини юридик жавобгарлик тушунчаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш талаб этилади. Юридик жавобгарлик масаласи хукуқшунослик фани томонидан узок вақтдан буён кенг қамровли тарзда ўрганиб келинаётган бўлса, судьяларнинг жавобгарлиги масаласи, унинг долзарблигига қарамасдан, комплекс тарзда илмий таҳлил этилмаган³.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида назарда тутилган судьянинг одил судловни амалга ошириш борасидаги ваколати унинг хукуқий ҳолатини белгиловчи ҳамда уни бошқа мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларидан ажратиб турувчи кенг дискрецион ваколат ҳисобланади.

Судьянинг одил судловни амалга оширишга оид мажбурияти, уни алоҳида мансабдор шахс сифатида эътироф этиш учун асос бўлади. Судья ишларни ҳал қилиш жараёнида ўзининг барча касбий хукуқ ва мажбуриятларини судлов ишларини юритиш билан боғлиқ алоҳида тартибга риоя қилган ҳолда амалга оширади. Ҳар қандай мажбуриятни фақатгина уни бажармаганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини белгилаш орқали унга реал риоя қилинишини таъминлаш мумкин⁴.

Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг юридик жавобгарлигиги тартибга солувчи амалдаги ҳуқуқий база уларга нисбатан юридик жавобгарликнинг айрим турларини татбиқ этиш имконини чеклабгина қолмасдан, хизмат доирасида тобелик унсурлари сақланиб қолинишига олиб келади, судьяларнинг ўзга шахслар измида қолиш эҳтимолини келтириб чиқаради.

Ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилинганда манфаатдор тарафлар судьядан ишни адолатли ва холис ҳал этилишини, шунингдек суд ҳокимиятининг юксак нуфузига мос бўлган хатти-харакатларни кутади.

Лекин, айрим ҳолларда судьялар ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйиши, одил судловни амалга ошириш жараёнида ўзига юклатилган вазифаларни бажаришдан оғиши оқибатида турли ножӯя оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Суд ишлари юритилишининг замонавий даражаси ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда бундай камчилик ва оғишишлар турли даражада, процессуал хатолардан тортиб жиноий суистемолликкача бўлиши мумкин.

Шу каби салбий оқибатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш учун судьяларни юридик жавобгарлиги масаласини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш лозим.

Одил судловни амалга ошириш жараёнида судьянинг юридик жавобгарлиги деганда судьянинг мақомидан келиб чикувчи ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чукур англаш ва уларга қатъий риоя этишга ундовчи, одил судловни амалга ошириш жараёнида ҳуқуқбузарликка йўл қўйилганда ёки жиноят содир этилганда қўшимча ҳуқуқий чекловларга ёки мажбурлов чораларига дучор этилишига олиб келувчи ҳуқуқий ҳолат тушунилади⁵.

Судьянинг одил судловни амалга ошириш жараёнида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун юридик жавобгарлиги турларини

белгилашда нафақат бу масалани тартибга солувчи қонунчиликка, балки юридик жавобгарликни тартибга солувчи умумий назарияга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон миллий қонунчилигига кўра, юридик жавобгарликнинг фуқаролик, жиноий, маъмурий, интизомий, моддий ва процессуал турлари ажратиб кўрсатилади. Аммо, қонунда одил судловни амалга ошириш жараёнида судья томонидан содир этилган хато ва камчиликлар учун уни фақат интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласигина алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бунда, маъмурий ёки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари ёритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, қонунга хилоф тарзда хукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олишни ёки мунносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қўллаш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони бериш натижасида фуқарога етказилган зарар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланиши кафолатланган⁶. Аммо, ҳозиргача одил судловни амалга ошириш жараёнида улар томонидан етказилган зарар учун уларни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш масалалари регламенти яратилмаган.

Шунингдек, одил судловни амалга ошириш жараёнида судьяларнинг процессуал жавобгарлиги масаласи ҳам қонунчилик билан мустаҳкамланмаган. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Жиноят-процессуал кодексларида суд жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатининг белгиланганлиги, шунингдек судья томонидан ғаразгўйлик ёки бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда унга

нисбатан раддия бериш нормаларининг мавжудлиги тадқиқотчилар томонидан процессуал жавобгарлик категориясини алоҳида ажратиб кўрсатиш учун имконият яратади.

Судьялар томонидан одил судлов фаолияти ўзларига қонун билан юклатилган хукуқ ва бурчларини тўғри бажариш орқали процессуал фаолият доирасида амалга оширилади.

Бевосита суд ишларини юритишга раҳбарлик қилувчи процесс иштирокчisi сифатида судьялар, бир томондан унга одил судлов фаолиятини амалга ошириш ваколатини берган давлат билан, иккинчи томондан процессада иштирок этувчи бошқа шахсларга нисбатан икки тарафлама хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасида судьяларнинг юридик жавобгарлигини тартибга солувчи хукукий асослар етарлича яратилмагани, одоб-ахлоқ қоидалари бузилганини ёки меҳнат интизоми бузилганини ҳолатлари ўртасидаги аниқ чегаранинг мавжуд эмаслиги, унинг жавобгарлигига оид иш юритилиши расмийлаштирилишининг мукаммал тартиби ишлаб чиқилмаганини судьяларнинг ўзга шахслар хукуқига путур етказилишига сабаб бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлиги масаласини ҳал этишда қатор қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Судларда иш юритишнинг барча босқичларида ҳамда барча судларда самарали механизmlарнинг мавжудлиги, шу жумладан, судьялар хукукий мақомининг илмий концепциясининг ишлаб чиқилиши, соҳада норматив-хукукий базанинг яратилиши билан бевосита боғлиқ хисобланади.

Судьянинг хукукий мақоми ўз мазмунига кўра кўп қиррали ва кенг тушунча бўлганлиги, юридик адабиётларда уни турли нуқтаи назар ва ёндашувлар орқали ёритилишига сабаб бўлган.

Судьянинг хукукий мақоми масаласини тадқиқ этишда, авваламбор, судья тушунчасига таъриф бериш лозим бўлади. Қонун-

чилигимизда судьяларга қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслар сифатида таъриф берилган⁷.

Хорижий давлатлар, хусусан, МДХ давлатларининг қонунчилигида ҳам судьяларнинг хукукий мақомига таъриф берилган.

Масалан, Молдова Республикасининг «Судьялар мақоми тўғрисида»ги Қонунида судьяга конституциявий тартибда одил судловни амалга ошириш хукуки берилган ва қонун асосида ўз вазифаларини бажарувчи шахс эканлиги таъкидланган.

Қирғизистон Республикасининг «Судьялар мақоми тўғрисида»ги Конституциявий Қонунида ҳамда Россия Федерациясининг «Россия Федерацияси судьяларининг мақоми тўғрисида»ги Қонунида ҳам судья мақомига шу тартибда таъриф берилган.

Юридик адабиётларда эса, судьянинг хукукий мақомига бирмунча бошқачароқ таъриф берилган. Масалан, М. Абилькаиров «Қозогистон Республикаси суд тизими ва судьялар мақоми тўғрисида»ги Қозогистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида назарда тутилган талабларига жавоб берувчи, доимий асосдаги ваколатлар билан таъминланган, қонунда белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ёки сайланадиган давлатнинг фуқаролари хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, Конституция, қонулар ва бошқа норматив-хукукий хужжатларнинг ҳамда Қозогистон Республикаси халқаро шартномаларининг ижросини таъминлашга даъват этилган, мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий ҳарактерга эга қарор қабул қилиш хукуқига эга бўлган жиноят, фуқаролик ва бошқа соҳадаги одил судловни амалга ошириш борасидаги ҳокимият ваколатини амалга оширувчи мустақил мансабдор шахс сифатида таърифлаган⁸.

Мазкур тушунчани айrim олимлар эгаллаб турган лавозимидан келиб чиқувчи хукуқ, мажбурият ва жавобгарлик билан боғлашса, олимларнинг яна бир қисми хукуқ субъекти эканлиги, лавозим бўйича

вазифалари, асосий функциялари, ҳуқук, мажбурият, кафолат, фаолиятининг ҳуқуқий шакли, ўзаро муносабатлар шакли билан боғлашади.

Олимлар томонидан ўтказилган тадкикотларнинг барчасида ҳам судьянинг юридик жавобгарлиги масаласи унинг ҳуқуқий мақомининг алоҳида элементи сифатида ўрганилмаган.

Бизнинг фикримизча, айнан мазкур элемент судьяларнинг хулқ-атвори ҳуқуқий чегаралар доирасида бўлишини, улар томонидан ҳуқуқка хилоф ҳаракатлар содир этилишининг олди олинишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда судьяларнинг мавқеи тушунчasi ҳозирга қадар баҳсли ҳисобланади. А.Н.Азрилиян таҳрири остидаги юридик лугатда судьялар мақоми элементларига:

судьялар корпусини шакллантириш билан боғлик ҳуқуқ ва мажбуриятлар (судьяликка номзодларга талаблар, судьяликка номзодларга судьялик ваколатларини бериш);

судьяларнинг холислик, беғаразлик ва мустақиллик асосида ўзларининг судьялик вазифаларини амалга оширишлари учун шароит яратишга қаратилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари (судьяларнинг ваколатларини тўхтатиш ёки тугатиш тартиби, истеъфога чиқиш ҳуқуки ва х.к.);

судьялар ҳамжамиятларида фаол иштирок этиш учун зарур бўлган судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари киритилган⁹.

О.Н.Бабаева судьянинг мақоми қуйидаги таркибий қисмлардан иборатлигини таъкидлайди:

а) судьянинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати;

б) қонунчиликда унга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

в) ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг кафолатлари;

г) ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарилиши учун жавобгарлиги¹⁰.

Г.Т.Ермошин судьялар мақомида қуйида-

ги иккита таркибий қисмни ажратади:

биринчидан, судья мақомининг процессуал қисми, яъни давлат хизматчиси лавозимини эгаллаган шахс сифатида унинг процессуал қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Унинг фикрича, судья мақомининг ушбу таркибий қисми конституциявий, фуқаролик, жиноят ва арбитраж суд ишларини юритиш ҳамда маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жараёнида тадқик этилади;

иккинчидан, судьянинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг фуқаро сифатидаги жамиятда тутган алоҳида ўрни белгилайди. Мазкур алоҳида ижтимоий ҳолат, ўз мазмунига кўра судьянинг бевосита одил судловни таъминлаш жараёнида амалга оширадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари таъминланишини, ўз ҳокимиятини амалга оширишини кафолати ҳисобланади¹¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳокимият тармоқларининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилидан келиб чиқсан ҳолда суд ҳокимиятининг мустақиллигини эътироф этиш билан суд ҳокимияти соҳиби сифатида судьянинг ҳуқуқий мақомига алоҳида эътибор қаратилгани билан одил судлов мустақил ва холис суд томонидан амалга оширилиши кафолатланган.

Судьяларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқий ҳолати унга яратилган шахсий имтиёз бўлмасдан, балки ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда суд ҳимоясида бўлишини таъминловчи восита ҳисобланади.

Жамият ва давлат судья ва унинг касбий фаолиятига юксак талаблар қўяр экан, одил судловни амалга оширишга шароит яратиш мақсадида унга қўшимча кафолатлар тақдим этиш ҳуқуқига эга ҳамда бундай кафолатларни бериши шарт.

Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғис-

тон Республикаси каби давлатларда судьяга истеъфодаги судья конституциявий хуқуқий мақоми кафолатланади. Судьяга бундай юксак хуқуқий мақомнинг берилиши ундан юқори профессионаллик ва маҳорат, фидоийлик, мустақиллик ва холислик таъминланishiни талаб қилиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикасида судьянинг хуқуқий мақомини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб, унда назарда тутилган қоидаларнинг таҳлилидан судьяларнинг хуқуқий мақоми куйидаги таркибий қисмлардан иборатлиги ҳақида холоса қилиш мумкин:

- а) судья хуқуқий мақомининг тамойиллари;
- б) судьяликка номзод ва судьяларга қўйиладиган талаблар;
- в) судьяларни тайинлаш тартиби;
- г) судьянинг судьялар ҳамжамиятининг аъзоси ва суд муҳокамаси иштироқчisi сифатидаги хуқуқ ва мажбуриятлари;
- д) судьянинг хуқуқ ва эркинликлари кафолатлари;
- е) судьянинг ваколатини тўхтатиш ва тугатиш тартиби;
- ж) судьянинг ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун жавобгарлиги.

М.И.Клеандров эса, судьянинг хуқуқий мақоми бир-бирини тўлдирувчи одобахлоқий, руҳий, жисмоний, ижтимоий ва бошқа таркибий қисмлардан иборат эканлигини таъкидлайди.

Судьянинг хуқуқий мақомининг ўзига хослиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида куйида кўрсатилган бир нечта кўринишдаги хуқуқий муносабатлар субъекти бўлади:

1) жиноий хуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида унга Жиноят кодекси билан тақиқланган қилмишни содир этмаслик (масалан, фуқароларнинг teng хуқуқлигини бузиш, пора олиш, айбизиз кишини жавобгарликка тортиш);

2) чиқарилган суд қарори қонунга зид, асоссиз ваadolatciz бўлса қонунда белгилangan шахслар¹² мазкур қарорлар устидан

шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин. Бундай ҳолларда судья жиноят-процессуал жавобгарлик субъекти ҳисобланади;

3) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хulosаси олинган ҳолларда судья маъмурий-хуқуқбузарликка оид жавобгарликка тортилиши;

4) одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийлик бузилганлиги; суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомизлиги оқибатида йўл қўйилган камчиликлар; судьялик шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этганлиги; судьялар одоб-ахлоқи қоидаларини бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин¹³.

Юридик адабиётларда тадқиқотчилар судьяларнинг хуқуқий мақоми бир нечта элементларнинг йигиндисидан иборатлигини таъкидлашади. Лекин, унинг доирасига кирадиган элементларнинг сони ва мазмуни бўйича ягона бир тўхтамга келинмаган.

Хусусан, К.Ф.Гуценко ва М.А.Ковалев судьяларнинг хуқуқий мақоми қуйидаги элементлардан ташкил топишини таъкидлашади:

1) судьялар корпусини шакллантириш билан боғлиқ хуқуқ ва мажбуриятлар (судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар, судьяларни танлаш ва уларни лавозимига тайинлаш);

2) одил судловни амалга ошириш учун шароит яратиб берувчи судьяларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари (уларнинг фаолиятини тўхтатиш ва тугатишнинг алоҳида тартиби, катор имтиёзлар билан истеъфога чиқиш ва бошқалар);

3) судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнида фаол иштироки¹⁴.

Е.Б.Абрасимованинг фикрига кўра эса, судьяларнинг хуқуқий мақоми:

- 1) тайинлаш ва сайлаш тартиби;
- 2) ваколатини тугатиш тартиби;
- 3) судьяларнинг ваколатлари, уларни

амалга ошириш тартиби ва ваколатлари;

4) мазкур субъект ҳуқуқий мақомининг бошқа давлат ҳокимияти вакилларидан фарқловчи хусусиятлари¹⁵.

Бирок, юкоридаги фикрлар мунозарали хисобланади. Фикримизча, судьялар корпусини шакллантириш, судьяларни тайинлаш ва сайлаш тартибини судьянинг ҳуқуқий мақомининг элементлари таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки, ушбу босқичларда мазкур шахслар судья хисобланмайди, улар судья лавозимига талабгор, холос. Шу сабабли, улар судьянинг ҳуқуқий мақомининг ажралмас қисми хисобланган, фақатгина судьяларгагина тегишли бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлишмайди.

Шунингдек, назаримизда, Е.Б.Абрасимованинг судья ҳуқуқий мақомининг бошқа давлат ҳокимияти вакилларидан фарқловчи

хусусиятларини судья ҳуқуқий мақоми элементлари мажмуининг ажралмас қисми сифатида ҳисоблаш ҳақидаги фикрини асосли деб бўлмайди. Чунки, мазкур элементнинг хусусияти у томондан олдин саналган бошқа элементлар билан қамраб олинади.

Хулоса қилиб айтганда, судьяларнинг ҳуқуқий мақоми лавозимга кириши – қасамёд қилиш, одил судловни амалга ошириш учун қонун билан берилган ваколатлари, судлов фаолиятининг кафолатлари, судьялар жавобгарлигининг элементлар мажмуи деб баҳолаш мумкин бўлади.

**Т. САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси
мустақил тадқиқотчisi**

¹Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишиланган тантанали маросимга бағишиланган «Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир» номли маъруза. Тошкент. 7 декабрь 2019 й.

²Яковлев В.Ф. Статус судьи есть статус // Государство и право. 2004. №11. – С. 6-8.

³Колесников Е.В., Селезнева Н.М. О повышении ответственности судей в Российской Федерации // Журнал российского права. 2006. №3. – С. 22-25.

⁴Зайцев И.М. Гражданская процессуальная ответственность//Государство право. 1999. №7. – С 92-97.

⁵Колесников Е.В., Селезнева Н.М. О повышении ответственности судей в Российской Федерации // Журнал российского права. 2006. №3. – С. 22-25.

⁶Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. <http://lex.devon.uz/docs/180552>.

⁷Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 60-моддаси.

⁸Абилькаиров М. Закон – немой судья, судья – говорящий закон // Правовая реформа в Казахстане. 2003. № 3. – С. 46-47.

⁹Юридический словарь / под. Ред. А.Н.Азрилияна. М., 2007. – С 982. © Ефанова В.А., 2016.

¹⁰Бабаева О.Н. Проблемные вопросы статуса мировых судей Российской Федерации // Вестник Воронеж. Гос. Ун-та. Серия: право.2007. № 1(2). – С. 134.

¹¹Ермошин Г.Т. Правовой статус судьи Российской Федерации : учеб.. пособие. М., 2004. – С. 14.

¹²Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497², 498 ва 510-моддалари // Тошкент, «Адолат». 2018 й.

¹³Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, 2000 йил 14 декабрь // <http://lex.uz/docs/68532>.

¹⁴Гущенко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов факультетов. Изд. 7-е, перераб. И доп. / Под ред. К.Ф.Гущенко. М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2002. – С. 226.

¹⁵Судебная власть / Под ред. И.Л.Петрухина. М.: ООО ТК Велби, 2003. – С. 564.

ОДИЛ СУДЛОВ УЧУН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Инсон хуқуклари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-хуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари ошишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилди.

Таъкидлаш лозимки, халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг эришган ютуқлари, аввало, халқнинг турмуш тарзи, фаровон ҳаётида ўз аксини топиши муҳим ҳисобланади.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан тизимли ишлашни ташкил этиш, ушбу йўналишда ишлайдиган мутахассисларнинг мамлакасини ошириб бориш, халқаро рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш алоҳида аҳамият эга.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида» 2020 йил 2 июняғи ПФ-6003-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизми жорий қилинди. Жумладан, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика Кенгаши ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди. Ўзбекистон

Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш устувор мақсадлардан бири этиб белгиланиб, бунинг учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати тасдиқланган. Хусусан, одил судлов соҳасига оид халқаро рейтинг ва индекслар, жумладан, Иқтисодий эркинлик индексининг Суд фаолияти самарадорлиги, «Doing business» индексининг Контрактлар ижросини таъминлаш, Ҳуқуқ устуворлиги индексининг Фуқаролик одил судлови ва Жиноий одил судлов таркибий индикаторлари, Глобал рақобатбардошлиқ индексидаги Судлар мустақиллиги индикатори, Жаҳон мамлакатлари демократияси индексидаги Фуқаролар эркинлиги индикаторининг Суд ҳокимиётининг Ҳукумат таъсиридан мустақиллиги даражаси кўрсаткичи, Бошқарув сифати индикаторларидаги Ҳуқуқ устуворлиги индикаторининг Суд мустақиллиги ва Суднинг Ҳукуматдан мустақиллиги даражаси кўрсаткичларида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга алоҳида аҳамият берилган.

Бугунги кунда халқаро рейтингларда мамлакатимиз нуфузини янада ошириш ва одил судлов самарадорлигини кучайтириш мақсадида судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд иш юритуви сама-

радорлигини ошириш, низоларни ўз вақтида ва сифатли ҳал қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадларга қаратилган тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тизимли ташкилий чоралар кўрилиб келинаяпти.

Мазкур йўналишларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўрсатилган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Биргина бизнес юритиш соҳасида Президентимизнинг «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сонли, «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сонли, шунингдек «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-куvvatлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сонли қарорлари қабул қилинди.

Уларнинг мантикий давоми сифатида 2019 йил 20 марта «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майда «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Натижада «Бизнес юритиш – 2020» йиллик ҳисботида Ўзбекистон 7 поғона юкорига, яъни 190 мамлакат орасида ўтган йилги 76-ўриндан 69-ўринга кўтарили, шартномалар ижросини таъминлаш индикатори бўйича мамлакатимиз ўтган йилги 41-ўриндан 22-ўринга кўтарилиб, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг юқори кўрсаткичга эришган 20 та давлат қаторига кирди.

Маълумки, илғор мамлакатлар ўзининг ривожланиш даражасига биринчи навбатда хусусий мулк дахлсизлиги ва мулкдорларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш орқали эришган. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги негизида халқнинг тинч-тотувлиги ва фаровон хаёти туради.

Шу муносабат билан мулкдорлар хуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, мулк хуқуқидан асоссиз равища маҳрум этишдан ҳимоя қилиш мақсадида Олий суднинг қонунчилик ташабbusи хуқуқи асосида ишлаб чиқилган «Мулкдорлар хуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун 2020 йил 23 декабрда қабул қилингани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур Қонун билан, жумладан, ер участкаларини ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгилаш, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйиш бўйича ҳокимларнинг ваколатларини чеклаш, мол-мулкни давлат тасаррufидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди.

Бунда мол-мулкни давлат тасаррufидан чиқариш натижасини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари бўйича ташабbus билан чиқиш қатъиян тақиқланиб, бундай

ишлиар судлар томонидан ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинмаслиги белгиланди. Ер участкаси давлат ҳамда жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилиши мумкин бўлган асосларнинг аниқ ва тўлиқ рўйхати қонун даражасида белгилаб қўйилди.

Олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк обьектини бузишнинг қатъий шартлари белгиланиб, бу ҳақдаги қарор адлия органларининг ижобий хulosаси мавжуд бўлгандагина қабул қилиниши, кўчмас мулк обьектини бузишга компенсация тўлиқ тақдим этилгандан сўнггина йўл қўйилиши белгиланди.

Мазкур Қонуннинг амалиётга жорий этилиши натижасида хусусий мулк дахлсизлиги, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда (Қонун устуворлиги индекси («Rule of law») ва Иқтисодий эркинлик индекси («Index of economic freedom») мамлакатимиз нуфузи ошишига эришилади.

Шу билан бирга, айрим халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўринни яхшилаш ишларини янада такомиллаштиришимиз зарур. Жумладан, Иқтисодий эркинлик индексининг Суд фаолияти самарадорлиги индикаторида мамлакатимиз 2019 йилда 34,3 бални, Ҳукуқ устуворлиги индексида 94-ўринни, унинг Фуқаролик одил судлови индикаторида 72-ўринни, Жиноий одил судлов индикаторида 67-ўринни эгаллаган.

Мазкур йўналишларда ислоҳотларни янада жадаллаштириш, тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Шу мақсадда Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноий-ижроия кодексларини янги таҳrirда қабул қилиниши устида ишланмоқда. Мазкур кодексларга, шунингдек Фуқаролик процессуал кодексига фуқароларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатлари химоясини кучайтиришга, одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган нормалар, янги институтлар, соддалаштирилган механизмлар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сонли Фармони ижроси доирасида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича Республика Кенгаши томонидан 2020 йилнинг иккинчи ярмида белгиланган чора-тадбирлар режалари бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-хуқукий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган 45 та тадбир амалга оширилди.

Хусусан, Президентимизнинг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 июндаги ПФ-6034-сонли Фармони одил судлов соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Хусусан, унга кўра:

- вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлари бирлаштирилиб, уларнинг негизида судьяларнинг қатъий ихтинослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилди;

- илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда республикада самараали маъмурий одил судлов тизими яратилди;

- прокурорнинг судда иш кўрилиши жараёнида иштирок этиш тартиби илғор халқаро стандартларга мослаштирилди. Жумладан, прокурор ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиши, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилди;

- ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали суд тизимига «бир суд – бир инстанция» тамоили жорий этилди;

- Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби фаолият юритмоқда;

– судда ишларни кўришда инсон ҳуқуклари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлик тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институти жорий этилмоқда;

– суд тизимининг судьялари ва ходимларининг моддий таъминоти 2021 йилдан бошлиб тўлиқ Давлат бюджетига ўтказилмоқда. Хорижий давлатларда суд тизимининг моддий таъминоти тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Қайд этиш лозимки, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини оширишда соҳани рақамлаштириш энг муҳим масалалардан биридир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд ҳокимиюти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, Олий суд ахборот тизимини 28 та давлат органлари ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинувини 100 фоиз рақамли шаклга ўтказишни назарда тутувчи «Йўл ҳаритаси», 2020-2023 йилларда суд ҳокимиюти органлари фаолиятини рақамлаштириш Дастури тасдиқланди.

Дастурда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида суд биноларига интэрактив хизматлардан мустақил фойдаланиш учун маҳсус терминаллар ва хужжатларни топшириш учун электрон навбат ускуналарини ўрнатиш, шунингдек маълумотларнинг тезкор мониторингини амалга ошириш мақсадида Олий суд биносида Вазиятли марказни яратиш, суд ҳокимиюти органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали аҳолининг судлар билан электрон ҳамкорлигини таъминлаш, хусусан суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқиш, суд мажлисини аудиоёзувдан фойдаланиб қайд этиш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида барча ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақ-

симлаш, иштирокчиларни суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали хабардор қилиш, суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса, қоғоз шаклида тақдим этиш имкониятлари яратилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Олий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 2020 йилнинг ўзида одил судлов соҳасига оид 35 та норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг ўндан ортиги қабул қилинди, айни пайтда қолганларини такомиллаштирилган ҳолда қабул қилиниши ва амалиётга жорий қилиниши устида ишланмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг январь ойида суд тизимиға «бир суд – бир инстанция» тамойилининг жорий этилиши, суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига, Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодексига, Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши: суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга; одил судлов самарадорлигини оширишга; судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга;

фуқаролар, тадбиркорлар ва инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишига эришишга;

қонун устуворлиги, одил судлов ҳамда хусусий мулк дахлизлигини таъминлаш соҳасидаги халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қиласи.

Ш. НАЗАРОВ,
Олий суднинг иқтисодий суд
ишларини юритиши соҳасида
қонунчиликни таҳлил қилиш
бўлими бошлиғи

ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССДА АДВОКАТ УЧУН ИШОНЧНОМА ЗАРУР(МИ)?

Ривожланган давлатларда адвокатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни анча юқори. Адвокатура фуқаролик жамиятининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади ва давлат бошқаруви органлари тизимиға киритилмаган мустакил тузилмадир.

Иқтисодий судларга даъво аризаси, ариза ва далиллар тақдим этиш, низо доирасида турли мазмундаги илтимосномалар билан мурожаат қилиш, даъвони исботлаш ва унга қарши эътиroz билдиришда вакиллик институтининг аҳамияти катта.

Шартнома бўйича вакил ҳисобланган адвокатларнинг суд мажлислирида малакали тарзда иштирок этиши одил судлов жараёнларининг жозибадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига кўра, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳукуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Таъкидлаш ўринлики, ўз устида доимий ишлайдиган, билимли, тажрибали ва низонинг моҳиятига нисбатан тўғри позиция танлай оладиган адвокатларнинг профессионаллиги даъво аризасини процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштириш, даъвонинг асоси ва предметига нисбатан аниқ ёндашиш, илтимосномалар билан мурожаат қилиш, даъвони асослаш ёки унга қарши эътиroz билдириш каби хараткларда кўринади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК)нинг 61-моддасида судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан факат адвокатлар шуғулланиши мумкинлиги назарда тутилгани ҳам бежиз эмас.

Бироқ, бугунги кунда иқтисодий суд ишларини юритишда адвокатнинг иштироки масаласида айрим мунозарали ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, суд мажлиси жараёнида айрим ҳолларда адвокат суд муҳокамасида иштирок этиш учун процессуал ваколатлари борлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида фақатгина адвокатлик ордерини тақдим этади, барча ҳукуқ ва ваколатлар мазкур ордер билан берилганлигини маълум қиласди. Бунинг учун муайян асослар бор, жиноят ишларидан иштирок этишда мазкур орденинг тақдим қилиниши кифоядир.

Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасида ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилини амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиши ваколатига эга бўлган шахс эканлиги, ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкинлиги, адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилиши назарда тутилган.

ИПКнинг 61-моддасига мувофиқ, агар қонунда бевосита назарда тутилмаган бўл-

са, қуидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллар бўлиши мумкин:

- 1) адвокатлар;
- 2) юридик шахсларнинг ходимлари — шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;
- 3) нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;
- 4) қонунда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари;
- 5) биргаликдаги процессуал иштирокчилардан бири бошқа биргаликдаги иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;
- 6) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига биноан суд томонидан рухсат берилган бошқа шахслар.

Судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин.

Жиноят-процессуал қонунчилигидан фарқли равишда иқтисодий процессуал қонунчилика адвокатнинг суд мажлисларида иштирок этиши мажбурий эканлиги назарда тутилмаган ва у ихтиёрийликка ҳамда тарафларнинг хоҳиши-иродасига асосланади.

Ишончноманинг расмийлаштирилганлиги адвокатга уни вакил қилган шахс номидан қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилганлигини ҳамда судда иш юритиш ваколатлари мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, ИПКнинг 62-моддасида вакилнинг (адвокатлар ҳам иқтисодий суд мажлисларида вакил сифатида иштирок этади) судда иш юритишга доир ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада кўрсатилган бўлиши кераклиги қайд этилган.

Мисол учун, иқтисодий иш муҳокамаси жараёнида даъвогарнинг жавобгарга нисбатан қарздорлик суммасини ундириш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш тўғрисида адвокат томонидан имзоланган ариза тақдим қилинганда суд, авваламбор, мазкур вакилда даъводан воз кечиш ваколати ишончномада

махсус назарда тутилганлигини текширади. Агарда мазкур ваколат ишончномада адвокатга берилган бўлса, ариза ваколатли вакил томонидан берилган ҳисобланиб, мазмунан кўриб чиқилади, агарда ушбу ваколат берилмаган бўлса, аризани қаноатлантириш рад қилинади.

Шунингдек, даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгаририш, келишув битими, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишувни тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани имзолаш (суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулкни ёки пулни олиш мустасно) каби ваколатлар ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши лозимлиги ИПКнинг 63-моддасида назарда тутилган.

Бундан ташқари, ИПКнинг 62-моддасида шартнома бўйича вакил сифатида ҳаракат қилувчи шахс (бундан адвокат мустасно) ишончномадан ташқари судга шартнома бўйича вакил мақомини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши белгиланганлиги ҳам адвокат томонидан ишончнома тақдим этилиши шартлигини билдиради.

Ушбу ҳолатда адвокат шартнома бўйича вакил сифатида ҳаракат қилганда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)ни тақдим этиши шарт эмаслиги белгиланмоқда. Бироқ, ишончнома тақдим этилишига оид талабнинг адвокат иштироки учун қанчалик кераклиги масаласи яна очиқ қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги қарорида

белгиланишича, хуқуқий маслағатхона ёки адвокатлик ҳайъати (бюроси, фирмаси) томонидан берилған ордер адвокатта хуқуқий ёрдам сүраб мурожаат қылған шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш хуқуқини беради, бирок у ишончноманинг ўрнини босмайди ҳамда адвокатта ИПКнинг 63-моддасида маҳсус назарда тутилған процессуал ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқини бермайди.

Амалиётда Пленум қарорининг ушбу нормасининг ўзи ҳам иккى хил талқин қилинади. Хусусан, судлар ордер адвокатта хуқуқий ёрдам сүраб мурожаат қылған шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш хуқуқини беради, бирок у ишончноманинг ўрнини босмайди, деган важ билан ордердан ташқари ишончнома ҳам тақдим этиш талабини қўйишади. Адвокатлар эса, ишончнома факат ИПКнинг 63-моддасида назарда тутилған процессуал ҳаракатларни амалга

ошириш учунгина кераклигини таъкидлашади.

Демак, иқтисодий суд иш юритувида адвокат иштироки масаласида турли хил ёндашув мавжуд.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра, муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади. Адвокат тараф сифатида суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процессининг барча иштирокчилари билан тенг хуқуқларга эга.

Мазкур Қонуннинг 7-моддасига асосан адвокатлик фаолиятини амалга оширишда бирон-бир маҳсус руҳсатнома (ордер ва адвокат гувоҳномасидан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади.

Фикримизча, фуқаролик ишлари бўйича

АННОТАЦИЯ

Мазкур маколада иқтисодий суд иш юритувида вакиллик институти билан боғлиқ айrim баҳсли масалалар тўғрисида сўз юритилиб, иқтисодий процесда адвокатнинг вакил сифатида иштироки учун ордер ва ишончноманинг аҳамияти киёсий тахлил қилинган. Шунингдек, иқтисодий процесда адвокатнинг ваколатларини аниқлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, миллий қонунчиликка муайян таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий суд, вакиллик, адвокат, ордер, ишончнома, юридик ёрдам.

В данной статье рассматриваются некоторые спорные вопросы, связанные с институтом представительства в экономическом судопроизводстве, и сравнительно анализируется важность ордера и доверенности для участия адвоката в качестве представителя в экономическом процессе. Также изучается опыт зарубежных стран в определении полномочий адвоката в экономическом процессе и даются конкретные рекомендации национальному законодательству.

Ключевые слова: экономический суд, представительства, адвокат, ордер, доверенность, юридическая помощь.

This article discusses some controversial issues related to the institution of representation in economic proceedings, and compares the importance of warrants and powers of attorney for the participation of a lawyer as a representative in the economic process. The experience of foreign countries in determining the powers of a lawyer in the economic process is also studied and specific recommendations are given to national legislation.

Key words: economic court, representative office, lawyer, warrant, power of attorney, legal assistance.

судларда адвокат иштироки ва унинг процессуал ваколатлари чегараси бир мунча содда ва аниқ кўринишда тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида» 2010 йил 14 майдаги қарорида баён этилишича, адвокат ишга киришиши учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлар тузилмаси томонидан берилган ордер тақдим этилиши кифоя бўлиб, у адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахс манфаатларини судда ҳимоя қилиш хуқуқини (ФПК 69-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган хуқуқлардан ташқари) беради.

Долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида хорижий мамлакатларда ушбу масалага қандай ёндашилганини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 61-моддасига асосан арбитраж суд иш юритуvida адвокатнинг ваколатлари федерал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. Россия Федерацияси «Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида»ги Федерал қонунининг 6-моддасига кўра, адвокатнинг ваколатлари ордер билан тасдиқланади. Бошқа ҳолларда адвокат ишонч билдирувчига ишончнома асосида вакиллик қиласи.

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодекси 53-моддасининг бешинчи қисмига кўра, судда адвокатнинг вакил сифатидаги иштироки тегишли адвокатлик тузилмаси томонидан берилган ордер билан тасдиқланади. Бошқача қилиб айтганда, агар Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 53-моддасида ёзилгани каби аниқ тартиб белгиланган бўлмаса, арбитраж процессида вакил сифатида адвокат иштироки учун ишончнома зарур ҳисобланади¹.

Россия Федерацияси Олий арбитраж суди Пленумининг 2002 йил 9 декабрда-

ги «Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодексини амалга киритиши билан боғлиқ айrim масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарорининг 11-бандида тушунтириш берилишича, «Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида»ги Федерал қонун 6-моддасининг иккинчи қисмига асосан адвокат ишонч билдирувчига ишончнома асосида вакиллик қиласи, федерал қонунларда белгиланган бошқа ҳолларда эса, тегишли адвокатлик тузилмаси томонидан берилган ордер асосида вакиллик қиласи.

Кўриб турганимиздек, Россия қонунларида арбитраж суд иш юритуvida ҳам адвокатнинг процессадаги иштироки учун ордер ва ишончноманинг чегараси аниқ белгиланмаган. Хусусан, адвокатнинг тегишли равища расмийлаштирилган ордери бўлган ҳолда ишончномаси йўқлиги сабабли суд процессига қўйилмагани амалиётда тез-тез учраб турадиган муаммолардан бири хисобланади².

Энг қизиги, биринчи инстанциянинг ушбу харакати назорат инстанциясида ҳам қўллаб-куватланган ва судда адвокатнинг ваколатларини тасдиқловчи, тегишли равища расмийлаштирилган ишончноманинг тақдим этилмаганлиги сабабли унинг иштирокига йўл қўйилмаганлиги асосли деб топилган³.

Қонун нормаларининг ноаниқлигига эътибор қаратган Е.А.Трешёва арбитраж процессида адвокат ваколатларини тасдиқлаш учун ордернинг тақдим этилишини ноқонуний деб баҳолайди ва адвокат ишда иштирок этиши учун ўз ваколатларини ишончнома билан тасдиқлаши лозимлигини таъкидлайди⁴.

Бу фикрларга қарши чиқсан Н.Г.Лившицнинг қайд этилишича, агар адвокат арбитраж судига қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ордер тақдим этса, унинг вакил сифатидаги ваколатлари тасдиқланган деб топилиши керак⁵.

Қозогистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 58-моддасига мувофиқ, адвокатнинг мазкур иш бўйича вакиллигини тасдиқловчи ордер ва адвокатлик гувоҳномаси билан адвокат зарур бўлган

барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли. Ушбу Кодекс 60-моддасининг биринчи қисмида саналган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ушбу ваколатлар ишончномада кўрсатилган бўлиши керак.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 61-моддасига кўра, муайян бир иш бўйича адвокатнинг ваколатлари Қозоғистон Республикасининг «Адвокатлик фаолияти ва юридик ёрдам тўғрисида»ги Конунида белгиланган тартибда адвокатлик гувоҳномаси ва вакилликни тасдиқловчи ёзма маълумотнома билан тасдиқланади. Ушбу Кодекс 60-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган процессуал ҳаракатларнинг адвокат томонидан амалга оширилиши ишончнома билан тасдиқланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қозоғистон фуқаролик процессуал қонунчилигида иқтисодий судларда адвокатнинг иштироки билан боғлиқ масалалар аниқ ва лўнда баён килинган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги «Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»¹ги 13-сонли қарори 14-бандининг бешинчи хатбохисини қуйидаги таҳтирида баён этиш мақсадга мувоғик:

«Ҳукукий маслаҳатхона ёки адвокат-

лик ҳайъати (бюроси, фирмаси) томонидан берилган ордер адвокатга ҳукуқий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукукини беради. Бироқ, ИПКнинг 63-моддасида маҳсус назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома талаб этилади».

Пленум қароридаги қоиданинг бу тарзда баён этилиши суд процессида адвокатнинг ваколатларини аниқлаш жараёнида мунозарали ҳолатларга барҳам беради, юридик ва жисмоний шахсларнинг малакали ҳукуқий ёрдам олиш имкониятини кенгайтиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иқтисодий суд томонидан адвокатдан ишончноманинг сўралиши адвокатлик фаолияти эркинлигининг бузилиши ёки мазкур фаолиятга тўскىнлик эмас, балки суд жараёнларида процессуал ваколатлардан самарали фойдаланиш имконини беришdir.

Қ. АВЕЗОВ,
Тошкент вилоят суди
иқтисодий ишлар бўйича
судьяси, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори,

Ш. ФОФУРОВ,
Зарафшон туманлараро
иқтисодий суди раиси

¹Рыжаков А.П. Лица, которые не должны быть представителями в арбитражном процессе // ГЛАГОЛЬ ПРАВОСУДИЯ. 1 (3) / 2012. – С. 90.

²Определение Высшего Арбитражного Суда РФ от 07 мая 2008 г. № 4347/08 по делу № А40-60782/06-114-368 // КонсультантПлюс.

³<http://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/5399913/>.

⁴Трещева Е. А. Субъекты арбитражного процесса. Часть II: монография // – Самара. 2007. – С. 386.

⁵Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу Российской Федерации / Под ред. Яковлева В.Ф., Юкова М.К. – М. 2003. – С. 189.

БАНКРОТ КОРХОНАЛАРНИ ТУГАТИШ ЖАРАЁНИДА МУДДАТЛАР

Мамлакатимизда банкротлик таомилларини янада соддалаштириш, суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг позициясини яхшилаш юзасидан сўнгги йилларда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Банкротлик таомиллари якунланган корхоналар бўйича суд бошқарувчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг рейтингини юритиш жорий этилмоқда. Баҳолашнинг асосий мезонларидан бири сифатида тугатиш жараёнларининг олиб борилиши муддатига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, самарасиз фаолият юритадиган, истиқболсиз корхона ва ташкилотлар давлат ва жамият манфаатларига, шу жумладан, уларнинг кредиторлари манфаатларига сезиларли даражада зарар етказади. Шундай экан, бундай хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўз вақтида тугатиш ёки соғломлаштириш суд бошқарувчilarининг ишларни пухта ташкил этишларига чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Ушбу жараёнларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун қонунчиликда тегишли муддатлар белгилаб берилган.

Жумладан, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади.

Тугатишга доир иш юритиш муддати

тўққиз ойдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки иқтисодий суднинг ташабbusi билан бу муддат қўпи билан учойга узайтирилиши мумкин.

Иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органлари қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, қарздор раҳбарининг ваколатлари тугатилади (қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади), қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисига юклатилади, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш бўйича мулкдорнинг ваколатлари тугатилади. Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Қарздор корхонага тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичida қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари (муҳрлар ва штамплар мавжуд бўлган тақдирда), моддий ва бошқа қимматликларини тугатиш бошқарувчисига топширилишини таъминлаши керак.

Тугатиш бошқарувчиси иқтисодий суд

томонидан вазифага тайинланган санадан эътиборан ўн кун ичидаги банкротлик түғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларга зарар етказилиши ходисаси учун ўз жавобгарлигини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда суғурталамоғи керак.

Иқтисодий суднинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш түғрисидаги қарорлари ҳақидаги маълумотлар расмий нашрда эълон қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 июндаги «Банкротлик түғрисидаги» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари түғрисидаги 160-сонли қарорига асосан «Биржа» ва «Солик инфо» газеталари банкротлик түғрисидаги маълумотлар эълон қилинадиган расмий нашрлар этиб белгиланган.

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш түғрисидаги маълумотларни тугатиш бошқарувчиси бошқарувчиликка тайинланган пайтдан эътиборан ўн кундан кечирилмай расмий нашрда эълон қилиш учун юбориши лозим.

Банкротлик түғрисидаги маълумотлар ҳар ҳафтада манбаатдор шахслардан олингандан ва эълон қилинганлик ҳақи тўлиқ ҳажмда тўлангандан кейин расмий нашр томонидан етти кун мобайнида эълон қилиниши, шунингдек газетанинг интернетдаги сайтида қўшимча ҳақ ундирилмасдан жойлаштирилиши лозим.

Кредиторлар маълумотлар расмий нашрда эълон чиқкан санадан эътиборан камидаги бир ой ичидаги тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини қўйишлари мумкин.

Тугатилаётган юридик шахсга эса, кредиторлар ўз талабларини тугатилаёт-

ган юридик шахсни банкрот деб топиш түғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичидаги унга тақдим этишга ҳақли.

Хозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигига эса, тугатиш бошқарувчиси ўзи аниқлаган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги түғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши, улар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичидаги тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини тақдим этишлари мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ҳар ойда камидаги бир марта кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига ўз фаолияти түғрисида ҳисобот, қарздорнинг молијавий аҳволи ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланган пайтдаги ва иш юритиш жараёнидаги мол-мулки түғрисида ахборот, шунингдек бошқа ахборотларни тақдим этиб бориши лозим.

Кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитасининг ёки қонунда кўрсатилган кредиторларнинг талабига биноан тегишли ариза билан суд бошқарувчисига мурожаат этилган пайтдан эътиборан кечи билан ўттиз кунлик муддат ичидаги суд бошқарувчиси томонидан чақирилиши лозим.

Башарти, кредиторлар йиғилишини ўтказиш учун кворум мавжуд бўлмаган тақдирда, ўн кунлик муддат ичидаги кредиторларнинг тақорорий йиғилиши чақирилиши лозим, агар йиғилиши ўтказиш санаси, вақти ва жойи түғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, тақорорий йиғилиш ҳозир бўлган кредиторларнинг сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади.

Кредиторлар йиғилишининг баённомаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказилган сана-

дан эътиборан икки кундан кечиктирмай иқтисодий судга топширилиши лозим.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчисининг ушбу Қонунга мувофиқ берган аризалари, шу жумладан, ўзи билан кредиторлар ўртасида, ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиқсан келишмовчиликлар тўғрисида берган аризалари, шунингдек кредиторларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикоятлари бу ариза ва шикоятлар олинган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатдан кечиктирмай иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш юзасидан иқтисодий суднинг ажримлари чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кун ўтгандан кейин қонуний кучга киради.

Агар қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритиш мобайнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асослар, шу жумладан, молиявий таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган асослар пайдо бўлса, тугатиш бошқарувчиси мазкур ҳолатлар аниқланган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичida тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташки бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан иқтисодий судга мурожаат этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадида қарздорнинг кредиторлари йиғилишини чақириши шарт.

Агар корхонани тугатиш жараёнида кредитор билан келишув битими тузилган тақдирда, тугатиш бошқарувчиси битим имзоланган пайтдан эътиборан беш кун ичida иқтисодий судга келишув битими тузилганлигини тасдиқловчи ариза тақдим этиши керак.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар томомланганидан кейин тугатиш бошқарув-

чиси иқтисодий судга тугатишга доир иш юритишни ўтказиши натижалари ҳақида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиши натижалари тўғрисида тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин иқтисодий суд тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига мазкур ажримни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўн кун ичida тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Иқтисодий суднинг ажрими юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асос бўлади. Реестрга тегишли ёзув иқтисодий суднинг мазкур ажрими тақдим этилган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктирмай киритилиши лозим.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайтдан бошлаб, тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган, қарздор эса тугатилган деб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўрсатилган муддатларга қатъий риоя этилиши тугатишга доир иш юритиш таомилининг иқтисодий суд томонидан асосиз узайтирилмаслигига, кредиторлар манфатларининг барвақт ҳимоя қилинишига, умидсиз қарздорликлар миқдорининг ошмаслигига, қолаверса тўлов қобилиятини ўйқотган корхонани ўз вақтида соғломлаштиришга хизмат қилади.

Қ. ХОЖАМУРАТОВ,
Беруний туманлараро
иқтисодий суди судьяси

КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Коронавирус инфекцияси (COVID-19) бүгүнги кунда инсоният учун энг катта таҳдидга айланди. 2020 йил 11 март куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) коронавирусни пандемия дебтан олди.

Дунёнинг барча давлатлари фуқароларнинг харакатланишини чеклаш билан боғлиқ қатъий чораларни кўрди ва кўплаб мамлакатларда карантин, айрим жойларда фавқулодда ҳолат жорий этилди.

Аммо, аҳоли орасида карантин чораларини бузиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу муқаррар равишда хавфли касаллик тарқалишига олиб келади. Ушбу ҳолатлар карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни жорий қилиш ва кучайтириш учун асос бўлади.

Ўзбекистонга коронавирус 2020 йил 15 март куни расман кириб келди, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар 16 март кунидан бошланди.

Барча давлат ва нодавлат таълим мұассасаларида (боғча, мактаб ва университетлар) баҳорги каникул эълон қилинди. Барча оммавий тадбирларни ўтказиш вақтингчалик бекор қилинди. Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатларга чиқиши, хорижий давлат фуқароларининг Ўзбекистонга кириши тақиқланди. Хорижий давлатлардаги ўзбекистонликларнинг қайтишига шарт-шароитлар яратилди.

Карантин вақтида ёлғон ва текширилмаган ҳамда одамларда ваҳима уйготадиган хабарлар тарқатадиган шахсларга нисбатан

амалдаги қонунчилик доирасида жиноий жавобгарликкача бўлган чоралар кўрилди. Барча давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан мажлис ҳамда бошқа тадбирлар ўтказиш вақтингчалик тўхтатилди. Ҳукумат барча диний идораларга диний маросимларни ўтказишни вақтингча чеклаш бўйича мурожаат қилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида махсус чора-тадбирлар белгиланди.

Барча олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида 2020 йил 16 мартаңдан эътиборан ўқиш тўхтатилиб, ўқувчи-талабалар таътилга чиқарилди, таълим муассасаларида карантин жорий қилинди, таълимни масофавий шаклда амалга ошириш тавсия этилди.

2020 йил 18 мартаң куни Президентимиз коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа мурожаат қилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 19 мартаң куни «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи ва навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамаси 2020 йил 19 мартаң куни «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилиб, «Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби

тўғрисида»ги Низомни тасдиқлади.

Кўриб турибмизки, Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан бу хатарни тезроқ бартараф этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилмоқда. Аммо, белгиланган карантин қоидалари ва талабларига тўлиқ риоя қилинмаяпти.

2020 йил 24 марта «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун имзоланди.

Қонунда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик, шунингдек уларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси янги 244⁵-модда билан тўлдирилди. Яъни, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача

озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши курашиб қоидаларини бузиш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келган бўлса, жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Жиноят кодекси 257¹-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши курашиб қоидаларини бузиш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқиши хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки икки

йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бош-қа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида тиббий йўсингани мажбурлов чорасини қўллашни назарда тутувчи янги боб билан тўлдирилди.

Жумладан, карантин ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида санитария ва эпидемияларга қарши курашиб қоидаларини бузишга оид хукуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда саклаш ёки даволаш тарзидаги тиббий йўсингани мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин.

Тиббий йўсингани мажбурлов чоралари 30 суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ўталиши таъминланади.

Тиббий йўсингани мажбурлов чораларининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида жамоат жойларида ниқобсиз юриш, шу жумладан,

карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик ҳамда давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Бундай жавобгарлик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг маҳсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Афсуски, Ўзбекистонда карантин эълон қилинган кундан бошлаб тегишли қоидаларни бузиш ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Ҳозирча коронавирус инфекцияси юқиши хавфи бор экан, биз ўзимиз, оиласиз ва атрофдагиларни соғлигига билиб-бilmай зиён етказмаслик учун карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилишимиз шарт.

**Д. СУЮНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
«Жиноят-процессуал хукуқи ва
криминалистика» кафедраси доценти,**

**Н. АКБАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмалиқ туман суди раиси**

ОИЛА БОШЛИҒИ КИМ?

Халима билан Нусрат севиб-севишиб турмуш қуришди. Оилада шароит оғир бўлганлиги учун уй масаласи ҳал бўлгунича куёвнинг тоғасиникида яшаб туришга қарор қилишди. Улар кетма-кет икки фарзандли бўлишди.

Орадан 5 йил ўтгач, уй масаласида эр-хотин ўртасида ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўла бошлади. Охир-оқибат куёвнинг аризасига кўра, суд уларни никоҳдан ажратиш тўғрисида қарор чиқарди. Тарафлар ўртасидаги энг кескин можаролар ана шундан кейин бошланди.

Эр ишлаш учун чет элга кетиб қолди. Шундан сўнг уйнинг эгаси бўлмиш тоға келинни икки боласи билан уйдан чиқариш тўғрисида судга ариза берди. Кўп тортишувлардан кейин суд ҳолатга атрофлича баҳо берган ҳолда, даъвони рад этиш тўғрисида қарор чиқарди. Лекин, суднинг қарори билан уй эгаси келиша олмади. Чунки, шу пайтга келиб у ўғлини уйлантирмоқчи ва келинни шу уйга туширмоқчи эди. Қолаверса, у уйнинг қонуний эгаси сифатида ўзининг мулкини тўла тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Мантиқан фикр юритадиган бўлсак, бир томондан, мулкдор ҳақ, чунки у уйнинг қонуний эгаси сифатида ўзининг қонуний ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Иккинчи тарафдан, ўша хонадонга келин бўлиб тушган, у ерда иккита фарзандли бўлгунча яшаб келган ва эри

ташлаб кетган келин энди иккита ёш боласи билан қаерга боради? Боз устига, у келин бўлиб тушган вақтда унинг шу уйда вақтинча яшashi ва маълум вақтдан кейин уйни бўшатиши лозимлиги тўғрисида тарафлар ўртасида ҳеч қандай келишув ҳам бўлмаган эди.

Юқорида кайд этилган ҳолат бўйича кейинги босқич суди амалдаги қонуларга асосланган ҳолда бир тўхтамга келган бўлиши мумкин. Лекин, гап бошка ёқда...

Юқоридаги мисолни баён қилишдан мақсад ҳаётда шундай низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган ҳолатларни ўрганиш, мулоҳаза юритиш ва келгусида бундай низоларни камайтириш борасида фикр юритишидир. Зоро, ҳозирда уйга киритиб қўйиш, уйдан чиқариш ва уй-жойга нисбатан яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топиш каби низолар фуқаролик судларида кўрилаётган ишларнинг катта қисмини ташкил этмоқда. Айнан шундай муаммолар асносида баъзи ҳолларда ёш оилаларнинг барбод бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда. Кўп ҳолларда аёллар никоҳ бекор қилинганидан кейин ёш болалари билан бошпанасиз қолиб кетиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судма-суд юришга мажбур бўлишимоқда.

Суд амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу каби низолар асосан эр-хотин ўртасидаги зиддиятлар асосида ву-

жудга келади ва улар турлича ҳолатларда якун топади. Масалан, бир ҳолатда куёв тарафдан келинга алоҳида уй олиб берилса, иккинчи ҳолатда уй учун маълум миқдорда пул бериш йўли билан низони ёпишга келишилади. Бошқа ҳолларда эса, низони ҳал этиш учун судлар бош қотиришига тўғри келади.

Иморатнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, бундай бино ҳар қанча турса ҳам ўз сифатини йўқотмайди. Ҳаётда ҳам инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи қонунлар қанчалик пухта ишланса, низоларни ҳал этиш ҳам шунчалик осон бўлади. Бунга Эришиш учун фуқароларнинг уй-жойга бўлган мулкий ва ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни янада аниқ тартибга соладиган қонун нормаларини такомиллаштириш жоиз бўлади.

Агар ҳуқуқ борасида бошқа манбаларга, хусусан, ҳалқимиз маънавий меросининг ажралмас бир қисми бўлган Ислом ҳуқуқига мурожаат қиласидиган бўлсак, унда эр оила бошлиғи сифатида оиласининг оғирлигини зиммасига олиши лозимлиги, оиласига меҳр-муруват кўрсатиши кераклиги, оила қуриш ўз-ўзидан бўлаверадиган нарса эмаслиги қатъий тарзда эътироф этилган.

Никоҳ тузилгандан кейин, келгусида аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида «маҳр» (арабча «тўй совғаси» – никоҳ пайтида куёв томонидан келинга ҳадя қилинадиган кўчмас мулк) жорий қилинган. Шу билан никоҳ бекор қилинганда аёл тириклик ўтказа олмайдиган даражага тушиб қолишининг олди олинган. Мана шу омил ҳам оила муносабатларига бефарқ бўл-

ган баъзи эркакларни жиловлаб турган бўлиши мумкин. Чунки, ўша пайтда эрнинг ташаббуси билан никоҳ бекор қилинганда хотинининг маҳрига аталган нарсалар – олдида айвони билан бир уй, бир даҳлиз ва бошқа мулклар унинг ихтиёрида қолган. Демак, маҳр, аввали, никоҳнинг ҳурмати, қолаверса, эркакларнинг аёлларга берган мустаҳкам аҳд-у паймонлари белгиси деса бўлади.

Хозирги кунларда маҳр қонунда қайд этилмаган бўлса-да, амалда никоҳ узуги деб аталмиш бир тилла узук маҳр сифатида келинга берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Уйжой кодекси 32-моддасининг биринчи қисмида мулкдор оила аъзоларининг, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бу норма умумий характерга эга бўлиб қолган.

Масалан, ушбу моддада уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақли эканлиги, бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оиласий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуки сақланиб қолиши кўрсатилган.

Одатда, аксарият ҳолларда келин туширилганда у қайси хонада яшashi лозимлиги тўғрисида бирон-бир хужжат расмийлаштирилмайди ва буни, ўз навбатида, қонун ҳам талаб қilmайди. Уй-жойдан фойдаланиш тўғрисида мулкдор билан келин ўртасида уйдан фойдаланиш бўйича шартнома тузиш лозимлиги тўғрисида ҳозирча қонунда

бирон-бир норма мавжуд эмас.

Шунинг учун ҳам судларда уйга киритиб қўйиш тўғрисида даъво аризаси кўрилганда, келин мулкдорга тегишли бўлган уйнинг қайси қисми ёки хонасидан фойдаланиши мумкинлигини аниқлашда муаммо пайдо бўлади.

Кейинги пайтларда эр тарафнинг оиланинг молиявий оғирлигини кўтариш ва бошқа жавобгарликлар борасидаги масъулият ҳисси йўқолмоқда. Нари борса, бир дона никоҳ узугини бериб, бироннинг боқиб катта қилган қизига уйланган шахс бўлган-бўлмаган нарса учун уни ҳайдаб, яна уйланиш пайида бўлмоқда.

Оқибатда, битта-иккита боласи билан ажрашган ёш аёл отасиникига қайтиб боришга мажбур бўлмоқда. У ерда эса, яна янги муаммолар пайдо бўлиши турган гап.

Фикримизча, оила, янайм аникроғи аёл ва норасида фарзандларнинг манфаатидан келиб чиқсан юқорида қайд этилган ҳолатларни тартибга солувчи қонун нормаларини қайтадан кўриб чиқиш билан бирга янги нормалар ҳам жорий қилиш учун етарлича асослар бор.

Никоҳ мустаҳкам бўлишини таъминлаш мақсадида, авваламбор, Оила кодексига «Оила бошлиғи» деган алоҳида боб киритилиб, унда оила бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги аниқ тарзда мустаҳкамланиши керак.

Масалан, отанинг бола олдидаги вазифаларига болани тарбиялаш, уни тарбияси устидан назорат қилиш, ўқитиши ёки бирон-бир касбни эгаллашга йўналтириш, вақти келганда у учун уй ёки алоҳида хона қуриш, шу турар жойни фарзандининг номига қонуний расмийлаштириш ва шу уйга ўғлини

уйлантириш каби мажбуриятларни юклаш лозим.

Бундан ташқари, оила бошлиғи оила бюджети учун жавобгарлиги, оиланинг барча аъзолари у билан ҳар бир ишда маслаҳатлашишга мажбурлиги ҳам қонунда қайд этилиши керак.

Никоҳдан олдин келин тушадиган хона ёки уй қуёв ва келиннинг номига тенглик асосида расмийлаштирилиши ва бу қоида никоҳ тузиш шартларидан бири сифатида қабул қилиниши керак.

Қонуннинг асл мазмуни оила бошлигининг ўз масъулиятини сезишига қаратилган бўлиши лозим. Масалан, ўғил уйлантироқчи бўлган ота-она олдиндан ўз тайёргарлигини кўриб бориши, ёш оиласа бошланғич тарзда шароит яратиши, улар яшайдиган уй-жой тайёр ҳолда бўлиши лозим. Акс ҳолда ёшларга ўз вақтида шароит яратилмагани боис, жамиятда қари қиз ва қари йигитларнинг сони ортиши ва бунинг оқибатида жамият ҳам, якка шахслар ҳам зарар кўриши мумкин.

Мақсад — жамиятнинг асосий пойдевори ҳисобланган оилани тинчтотув ва фаровон бўлиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш масаласига жамиятимиз эътиборини янада кучайтиришdir.

**З. ИСМАТУЛЛАЕВ,
хукуқшунос**